БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРҚАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР ҚОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 69 (7516)
24 МАРТ ЖУМА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Барча куч чигит экишни оммавий равишда кучайтириб юборишга сафарбар қилинсин! (1-бет).

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва санъат ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (2-нчи бет).

Ўзбекистон ССР Фахрий унвонларини бериш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони (2-нчи бет).

Хотин-қизлар пахта учун курашда актив қатнашишлари керак (3-нчи бет).

М. Умаров. — Лекция пропагандасини янада кучайтирайлик (3-нчи бет).

Маҳаллий газеталар саҳифаларидан (3-бет).

Халқ демократияси мамлакатларида (4-бет).

Пойтахтимизда (4-нчи бет).

Партия маорифи шохобчаларида ўқишнинг юксак ғоявийлиги учун

Большевиклар партиясининг ташкилотчилари ва доҳилари Ленин ҳамда Сталин коммунистларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, чиниқтириш масалаларига ҳардоим катта эътибор қилиб келдилар. Владимир Ильич Ўзининг «Нима қилмоқ керак?» деган машҳур асарида бундан ярим аср илгарирёқ «Биз ҳам назариётчилар бўлиб, ҳам пропагандистлар бўлиб, ҳам ташкилотчилар бўлиб синфнинг ҳамма табақалари орасига киришимиз лозим» деган эди.

Партия марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш, коммунистларни назарий жиҳатдан қуроллантириш масаласи олдимизда турган конкрет масалалар блан боғланиб олиб борилиши, коммунизм қурилиши соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли суратда бажаришга ёрдам бериши керак деб кўрсатиб келди.

«ВКП(б) тарихи қисқа курси» нашр қилиниши муносабати блан партия пропагандаси ишининг қўйилиши тўғрисида» ВКП(б) Марказий Комитети томонидан чиқарилган тарихий қарор—шу соҳада партия ташкилотлари олдида турган вазифаларнинг кенг программасини чизиб берди. Партия Марказий Комитетининг бу қарори — партия маорифи шохобчаларида ўқишнинг ғоявий савиясини оширди, партия маорифи системасида мустаҳкам тартиб ўрнатди.

Мамлакатимиз улуғ Сталиннинг раҳбарлиги остида коммунизм томон олға бормоқда. Бу соҳада меҳнаткашлар оммаси олдида ва унинг илғор отряди, сиёсий раҳбари бўлган коммунистлар партияси олдида ғоят муҳим ва масъулиятли вазифалар турипти. Шу вазифаларни муваффақиятли суратда бажариш учун партия ҳарбир коммунистдан ҳозирги даврда халқ оммасининг онгли сиёсий етакчиси, воқиаларни олдан кўрадиган, жамиятимизнинг ривожланиш қонунларини биладиган зайрак, саботли ва пок бўлишни, ўз участкасида меҳнатга коммунистик муносабат намуналарини кўрсатишни талаб қилади.

Ҳарбир коммунистда бу фазилатларнинг камол топиши ҳаммадан олдин унинг сиёсий савиясига, марксизм-ленинизм назариялари блан қуролланган бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам партия ҳарбир коммунистдан ўз ғоявий, сиёсий билимини тинмай оширишни талаб қилади, кундалик амалий ишини марксизм-ленинизм таълимоти блан боғлаб олиб бораолган коммунистгина партия ва ҳукумат томонидан ўа олдига қўйилган вазифаларни муваффақият блан бажараолади.

Яқинда бўлиб ўтган шаҳар ва район партия конференциялари партиявий ишимизнинг шу энг муҳим участкасига, яъни партия ўқуви масалаларига катта эътибор қилди ва бу соҳада айрим партия ташкилотлари ишида жиддий камчиликлар борлигини аниқлади.

Бизнинг айрим қуйи партия органларимиз кейинги вақтларда сиёсий ўқиш масалаларига эътиборни сусайтириб юбордилар, шундан фойдаланиб баъзи коммунистлар иш блан «банд» эканликларини баҳона қилиб, ўқимай ўз малакаларини оширмай қўйдилар. Бундай коммунистлар ўзларининг шу ҳаракатлари блан истар-истамас қуруқ амалиётчига айланиб қолажакларини тушунишлари керак.

Колхоз, совхоз далаларида ҳозирги вақтда қизғин иш бормоқда. Ўзбекистон колхозчилари, қишлоқ хўжалиги ходимларининг Ватан олдида, улуғ Сталин олдида олган социалистик мажбуриятларини бажаришда ҳал қилучи кунлар келди. Колхоз, совхоз партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — бутун кучни кўклам дала ишларини кун сайин кучайтиришга сафарбар қилиш ва 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашдан иборатдир.

Мана шу масъулиятли вазифани муваффақиятли бажариш кишиларимизнинг фидокорона меҳнатига, уларнинг мустаҳкам интизомлигига ва социалистик онглилигига боғлиқдир. Бу эса қуйи партия органларида партиявий-сиёсий ишларнинг кучайтирилишига, партия ички ишларининг энг муҳим участкаси—партия ўқувининг навбатдаги хўжалик-сиёсий вазифалар блан мувофиқлаштирилиб, мустаҳкам боғланиб олиб борилишига ҳам боғлиқдир. Партия, ўртоқ Сталин бизга ҳардоим шундай ишлаш керак деб таълим беради.

Лекин шунга қарамасдан, бизнинг айрим шаҳар ва район партия ташкилотларимизда кейинги вақтларда коммунистларнинг сиёсий ўқуви бўшаштириб юборилди. Сиёсий мактаблар, тўгаракларда ўқиш мунтазам давом этмайди. Ўзбекистон Сув хўжалиги министрлиги партия ташкилоти ҳузуридаги сиёсий тўгаракларда машғулотлар системасиз ва паст савияда ўтказилмоқда. Қўқон шаҳрида Муқимий номли артель бошланғич партия ташкилоти ҳузуридаги сиёсий мактабга 22 коммунистдан фақат 8 киши қатнашади. Сиёсий мактаб раҳбари ўртоқ Аҳмедовнинг машғулотларга тайёргарлик кўрмасдан келиши—ўқишнинг сифатига катта таъсир қилмоқда. Бу мактабда ҳозиргача 18 машғулот ўрнига 6 марта машғулот ўтказилган.

Партия ташкилотлари мустақил ўқучи коммунистларнинг қандай ўқиётганликлари устидан системали равишда назорат қилишлари ва уларга ҳардоим ёрдам бериб туришлари лозим.

Партия ташкилоти ҳарбир коммунистнинг нима ўқиётганлигини, марксизм-ленинизмни эгаллаш соҳасидаги партиявий бурчини қандай бажараётганлигини пухта билиб турсин ва бу соҳада ҳарбир коммунистга нисбатан талабчанликни оширсин.

Яқинда Марказий район партия комитети Ўзбекистон Давлат нашриётида мустақил ўқиётган коммунистлар, раҳбар ходимларнинг ўз малакаларини ошириш устида қандай ишлаётганликларини текшириб чиқди ва уларнинг ўз сиёсий савияларини оширишга қизиқмай қўйганликларини аниқлади.

Партия ташкилотлари партиянинг жанговар ўринбосарлари бўлган комсомоллар ўртасида сиёсий ўқишнинг қандай бораётганлиги блан ҳам яқиндан қизиқишлари, уларга ҳартарафлама ёрдам беришлари лозим.


Партия маорифи шохобчаларида ўқув қизғин давом этмоқда. Барча сиёсий тўгаракларда, мактабларда белгиланган программанинг ўқучилар томонидан пухта ва чуқур ўзлаштирилишига эришиш ҳарбир партия ташкилотининг энг муҳим вазифасидир.

Партия маорифи шохобчаларида ҳарбир машғулотнинг ҳам юксак ғоявий савияда уюшқоқлик блан ўтказилишига эришиш, пропагандистлардан, сиёсий мактаб раҳбарлари ва партия кабинетлари мудирларидан ўзларига ишониб топширилган шу муҳим иш учун қаттиқ жавобгарлик талаб қилиш лозим. Бирор машғулот ҳам ўтмай қолган тақдирда, бунинг сабабларини партия ташкилотида муҳокама қилиш ва бундан тегишли амалий хулосалар чиқариш керак.

Область, шаҳар, район партия комитетларининг бюролари партия маорифи шохобчаларидаги аҳвол блан тез-тез қизиқиб туришлари, ўқишнинг боришини муҳокама қилиб туришлари, пропагандистлар учун лекция, консультация, методик машғулотлар ўтказиш йўли блан уларга ҳартарафлама ёрдам беришлари лозим.

Коммунистларни, бизнинг барча кадрларимизни ғоявий-сиёсий жиҳатдан қуроллантириш — партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширади, коммунистларнинг сиёсий раҳбарлик ва авангардлик ролини кучайтиради, олдимизда турган барча муҳим вазифаларнинг муваффақият блан бажарилишини таъминлайди.

Барча куч чигит экишни оммавий равишда кучайтириб юборишга сафарбар қилинсин!



Андижон районидаги 1-нчи МТСнинг универсалчиси Тоҳир Иброҳимов кундалик чигит экиш нормасини ошириб блан бажараётир. Суратда: ўртоқ **Т. Иброҳимов** «Гулистон» колхозида чигит экмоқда. **Н. Собиров** фотоси (ЎзТАГ Фотохроникаси).

★

Пахтакорларнинг янги мажбурияти

ҚАРШИ. (ЎзТАГ). Қашқадарё областининг пахтакорлари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг кўклам экишига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги қарорини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Ҳамма жойда умумий йиғилишлар бўлмоқда. Бу йиғилишларда колхозчилар ўз зиммаларига оширилган янги мажбуриятлар олмоқдалар.

Пахтакорлар колхозларни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги сталинча ғамхўрликка жавобан, пахтачиликни юксалтириш юзасидан умумий йиғилишларда амалий тадбирлар белгиламоқдалар. Чироқчи районидаги Охунбобоев номли 1-нчи, «Ғаллачи», «Комсомол» колхозларининг аъзолари қарорни муҳокама қилганларидан кейин, ҳар гектар ердан илгариги мажбуриятдагига қараганда 5 центнер кўп пахта ҳосили олишга ваъда бердилар. Бу колхозлар чигит экишга ўтган йилдагидан 10 кун илгари киришиб, чигитни яхши ишланган ерларга экмоқдалар.

Қарши районидаги «Октябрь 14 йиллиги» колхозининг аъзолари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорини муҳокама қилиб, амалий иш плани тузидилар. Иш графигига мувофиқ чигит экиш 10 кунда тамомланиши лозим. 19 мартда колхоз чигит экишга киришди. Графикда белгиланган топшириқ биринчи кундаёқ оширибо бажарилди.

Чигит экиш кучайтирилди

Фарғона область, Кагановичи районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари бу йил 498 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришни мажбуриятини олганлар.

Ҳозир колхозда ер ҳайдаш ва чигит экиш кучайтириб юборилди. Коммунист ўртоқ Турғун Бозоров бошлиқ бригада 40 гектар пахта майдонидан 28 гектарини экишга тайёрлаб, районда биринчи бўлиб, 18 ярим гектар ерга чигит экди. Шунингдек, ўртоқ Тўланбоев бошлиқ бригада ҳам 15 гектар ерга чигит экди. Колхоз бўйича 300 гектар ер чигит экишга тайёрланди.

А. ТЎХТАМАТОВ.

★

Чигитни қисқа муддатда экамиз

Совхозимиз пахтакорлари ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» чиқарган қарорини барча ерларни экишга тайёрлаган ҳолда кутиб олдилар.

Совхозимиз коллективи партия ва ҳукуматнинг қарори юзасидан янги мажбуриятлар олди. Бу мажбуриятларга кўра, 1950 йилда чигит экишни ўтган йилгидан 13 кун илгари — 5 апрельда тугаллашимиз, ҳар гектар ердан камида 50 центнердан пахта етиштириш учун астойдил курашишимиз керак.

Пахтачиликни йилдан-йилга ривожлантириб ва мўл ҳосил олиб келаётган совхозимиз ишчилари ўтган йили мамлакатга ҳарбир гектар ердан 28 ўрнига 41 ярим центнердан пахта топширб, улуғ Сталинга берган ваъдаларини шараф блан бажардилар. Шу блан бирга, кўпчилик ерлар ўтган йил кузда академик Вильямс усулида трактор блан чуқур шудгор қилиб қўйилди. Кўклам экишигача ерларни ўтитлаш ҳам, чигитларни саралаш ва баҳорги ҳайдаш ҳам ўтган йилгидан барвақт ва сифатли ўтказилди.

Бу йил ҳам 20 мартда барча тайёргарлик ишларини тугаллаган ҳолда, чигит экишга киришдик. Биз бу йил 108—Ф нав'ли чигит экаётирмиз. Ўртоқ А. Гофуров бошлиқ юқори ҳосилли бригада экишни биринчи бўлиб бошлаб юборди.

Биз барча куч ва имкониятларни сафарбар қилиб, ўз устимизга олган катта ва масъулиятли мажбуриятни шараф блан бажарамиз.

З. КАРИМОВ.

Наманган районидаги «Пахталиқўл» уруғчилик совхозининг директори.

Хоразмда чигит экиш бошланди

УРГАНЧ, 23 март. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Хоразм областидаги колхозларда, машина-трактор станцияларида СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида»ги қарори қизғин муҳокама қилинмоқда. Илғор колхозларнинг аъзолари партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан, ер ҳайдаш ва чигит экишга тайёргарлик ишларини ҳартарафлама кучайтириб юбордилар.

Хонқа район, Сараподён қишлоқ советидаги юқори ҳосилли «Коммунист» колхози ер ҳайдашга барвақт киришиб, чигит экишни областьда биринчи бўлиб бошлаб юборди. Колхознинг ўтган йили ҳар гектар ердан 37 центнердан пахта берган ўртоқ С. Рўзиматов бошлиқ бригадаси академик Вильямс усулида ишланган ернинг 1,5 гектарига чигит экди.

Қўшкўпир районидаги Сталин номли колхоз ҳам чигит экишга киришди.

Областьнинг бошқа районларидаги колхозларнинг аъзолари ҳам партия ва ҳукуматнинг қарори муносабати блан, ерни юқори сифатли ишлаш, чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш юзасидан янги мажбуриятлар олмоқдалар.

Мангит районидаги Жданов номли колхознинг пахтакорлари чигит экишни партия ва ҳукумат томонидан белгиланган муддатдан беш кун илгари тугаллашга, бу йил ҳар гектар ердан 28 центнердан пахта ҳосили етиштиришга ваъда бердилар. Колхозчилар бу ваъдаларининг устидан чиқиш учун нормаларини анча ошириб бажармоқдалар. Стахановчи колхозчи Султон Сафоев, Саригул Авезова, Жумагул Ўразбоева каби ўртоқлар нормаларини икки баравар ошириб бажармоқдалар.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори муҳокама қилинганидан кейин, Гурлан районида пахта ерларини ҳайдаш кучайтириб юборилди. Бу районда кейинги кунларда бирнеча юз гектар ер ҳайдалди.

Қанд лавлаги экиш ялпи кучайтириб юборилди

Ўзбекистон колхозларида қанд лавлаги экиш ялпи кўчайиб кетди. 21 мартгача ўтган йил шу вақтдагига қараганда 6 минг гектар кўп лавлаги экилиб, план 44,3 процент бажарилди. Горск районида ерларнинг деярлик тўртдан уч қисмига лавлаги экиб бўлинди. Янгийўл ва Қўқон районларининг колхозларида экиш плани 60 процентдан ошиқ бажарилди.

Бу йил Ўзбекистон колхозлари лавлаги экиш блан айни бир вақтда қатор ораларига минерал ўғит солишни биринчи марта қўллашмоқдалар. Бунинг учун СБ—6 деган трактор сеялкаларидан фойдаланилмоқда. Лавлагикор районлардаги МТС-лар бу йил бу сеялкаларни кўп миқдорда олдилар. Бу тадбир ёш ўсимликларнинг ўсишини анча кучайтириб, қанд лавлаги ҳосилини оширади.

Фарғона областидаги кўпгина колхозлар бу йил лавлагини кузда шудгор қилинган ерларга, уларни қайтадан ҳайдамай, культиваторлар блан юмшатиб экмоқдалар. Бу эса экишни эрта муддатда тамомлаш, уругни бир текис ундириб олиш имкониятини беради.

Горск, Нориой ва Қўқон районларининг барвақт экилган ерларида қанд лавлаги бир текис униб чиқди. (ЎзТАГ).

Андижон область пахтакорларининг кенгаши

АНДИЖОН. (ЎзТАГ). 22 мартда Охунбобоев номли театр биносида Андижон область пахтакорларининг кенгаши бўлди.

Областьнинг колхозларида кўклам дала ишларининг бориши тўғрисида Андижон область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳожибеков доклад қилди.

Докладчи, Андижон областининг пахтакорлари ҳосилни оширш юзасидан Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойида олган мажбуриятларини муваффақият блан бажариш учун бутун имкониятларга эгадирлар, деди.

Аммо областьнинг колхозларида кўклам дала ишлари қониқарсиз бормоқда. Қўриқ ерларни ўзлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, минерал ўғитларни колхозларга ташиш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмаётир. Колхозларда от-уловдан ёмон фойдаланилмоқда. Камқувват ва қолоқ колхозларга ҳали ҳам етарли эътибор берилмаётир.

— Вазифа шундан иборатки, — деди ўртоқ Ҳожибеков, — барча камчиликлар қисқа муддатда тугатилиши, ҳайдов тракторлари кеча-кундузи ишлаши, қолоқ колхозларга модний-техника ва ташкилий ёрдам кучайтирилиши, областьда чигит экиш 10—12 апрельгача тамомланиши керак.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда Ворошилов район партия комитетининг секретари Ҳакимов, Сталин районидаги 2-нчи МТСнинг директори Матвиенко, Андижон районидаги Дзержинский номли колхознинг раиси Мирзаев, Хўжаобод районидаги Сталин номли колхознинг раиси Ғойибов, Ойим район партия комитетининг секретари Файзиев ва бошқа ўртоқлар гапирдилар. Улар кўклам экишига тайёргарлик кўришдаги камчиликларни очиб ташлаб, СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозлар, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарори область пахтакорлари ўртасида меҳнат ғайратини янада ошириб юборганлигини айтдилар. Бу қарорни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишларда пахтадан мўл ҳосил олишга ёрдам берадиган тадбирлар белгиланмоқда.

Кенгашда Андижон область партия комитетининг секретари ўртоқ Мирзаҳмедов сўзга чиқди.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Юсупов областьдаги пахтакорларнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида катта нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари чигит экишни ялпи кучайтириб юборишга тайёргарлик кўришда йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий тадбирлар белгиладилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

Ф. И. ТОЛБУХИН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЛАВҲА ОЧИЛДИ

ТБИЛИСИ. (ТАСС). Кеча Берия номидаги майдонда Совет Иттифоқи маршали Ф. И. Толбухин хотирасига бағишланган лавҳани очиш муносабати блан митинг бўлди.

Хотира лавҳаси ўрнатилган жойга Грузия пойтахти жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари, Тбилиси гарнизони ҳарбий қисмлари ва бўлинмаларининг солдатлари, сержантлари ва офицерлари тўпландилар.

Армия генерали А. И. Антонов митингда нутқ сўлаб, Ф. И. Толбухиннинг шонли жанговар йўлини таърифлаб берди.

Хотира лавҳасини ёпиб турган парда Совет Иттифоқи гимнининг садолари остида очилди.

Митинг охирида Грузия К(б)П Тбилиси комитетининг секретари Е. П. Черкезия нутқ сўзлади.

КИЕВ ОБЛАСТИДА ЯНГИ БОҒЛАР

КИЕВ. (ТАСС). Кўклам бошланиши блан областьда мева дарахтлари кўчати ўтказиш кучайтириб юборилди. Давлат ва колхоз кўчатзорларида 300 минг тупга яқин олма, нок, олхўри, ўрик, шафтоли кўчати ўстирилди.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг қарорига биноан, Киев шаҳри атрофида мева боғлари ва токзорлар барпо этиш плани амалга оширилмоқда. Бу йил кўкламда Киев областида 1.200 гектар ерда янги боғ ва 350 гектар ерда токзор қилинади. Колхозчилар, ишчи ва хизматчилар томорқа ерларига 180 минг мева дарахти кўчати ўтқазадилар.

Ток кўчатлари ўтқазишга катта эътибор берилмоқда. Киево-Святошинск районидаги «Виноградарь» колхози ўтган йили ҳар гектар ердан 47 центнердан, Корсунь-Шевченко районидаги «Нова праця» колхози гектаридан 65 центнердан узум олди.

Бу йил Переяслав-Хмельницкий, Броварск, Борисполь, Васильков районлари ва бошқа районларнинг колхозларида янги токзорлар барпо этилади.

ПИЛЛАЧИЛАР ҚУРТ БОҚИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДАЛАР

ЕРЕВАН. (ТАСС). Арманистон қурт заводлари Украина, Қозоғистон, Озарбайжон ва Қирғизистон ССР га пилла қуртлари жўнатабошладилар.

Арманистоннинг пиллачилик колхозларида кўкламда қурт боқишга тайёргарлик кучайтириб юборилди. Бу йил бир миллион тупдан кўпроқ тут кўчати ўтказилади. Колхоз ва давлат тутзорларига тут уруглари экиш икки баравар кўпайтирилади. Грузия ва Озарбайжон ССРдан юз мингдан кўпроқ сербарг янги нав'ли тут кўчати келтирилди.

КЎКЛАМ ЭКИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК ТАМОМЛАНМОҚДА

ВИЛЬНЮС. (ТАСС). Литва колхозчилари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг кўклам экишига тайёргарлик кўриш ҳақидаги қарорини қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг жанговар программаси деб кутиб олдилар. Сўнгги уч кун ичида юздан ортиқ колхоз кўкламга тайёргарлик ишларини тамомлади.

Юрбарис, Ионишкис ва Шяуляй уезларининг ғаллакорлари экишга айниқса яхши тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу уезларда қўриқ ва захи қочирилган ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонлари анча кенгайтирилади. Кўпгина колхозларда ўт-далали алмашлаб экиш усули биринчи марта жорий қилинади.

Республика колхозларида юзларча янги далачилик бригадалари тузилади. Далаларга бирнеча юз минг тонна гўнг чиқарилди, минерал ўғитлар ташиш кучайтирилди.

Колхозларни оталикка олган корхоналар қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилишда катта ёрдам бермоқдалар. Вильнюс, Каунас, Клайпедадаги фабрика ва заводларнинг коллективлари қишлоқларга слесарь ва темирчилардан иборат бригадалар юбордилар.

ФРЕЗЕРЧИ КЛЯЦКАЯ 11 ЙИЛЛИК НОРМАНИ БАЖАРДИ

ТАЙНЧА. (Кокчетов области). Фрезерчи Галина Кляцкаянинг номи ҳамма вақт ремонт-механика заводининг ҳурмат тахтасига ёзиб келинади. У, топшириқни доим 2—3 баравар ошириб ада этмоқда.

Ўртоқ Кляцкая майдони социалистик мусобақасининг дастлабки кунларидаёқ ишлабчиқариш соҳасида катта муваффақиятга эришди. У, бешйиллик план бошлангандан буён 11 йиллик нормани бажарди. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганига йигирмабеш йил тўлиши муносабати блан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'атни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлари учун мукофотлансин:

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

522. **Мирсаидов** Мирмухсин — Ёзувчи.

523. **Миронова** Лидия Ивановна — Давлат банки республика конторасининг сектор бошлиғи.

524. **Мирошниченко** Вера Андреевна — Андижон область медицина ходимлари касаба союзи комитетининг раиси.

525. **Мирошниченко** Григорий Иванович — «Средазнефть» 1-нчи топография группаси трестининг бошлиғи.

526. **Митяченко** Николай Афанасьевич — Оққовоқ марказий техника тажриба станцияси директорининг ўринбосари.

527. **Михайлов** Александр Александрович — Каттақўрғон сув хавзаси қурилишининг иш бажарувчиси.

528. **Михальянц** Рубен Соломонович — Тошкент область қишлоқ хўжалик ўсимликлари давлат карантин инспекциясининг бошлиғи.

529. **Мишин** Василий Михайлович — Давлат контроли министрлиги бош контролёрининг ўринбосари.

530. **Мишин** Николай Никитович — Совхозлар министрлиги бошқармасининг бошлиғи.

531. **Морозов** Иван Иванович — Каттақўрғон сув хавзаси қурилишининг бош бухгалтери.

532. **Мочалов** Павел Архипович — «Узбеквзривпром» бошқармасининг бош инженери.

533. **Музаффаров** Камол Ҳасанович — Ўзбекистон К(б)П Чироқчи район комитетининг бўлим мудири.

534. **Муллажонов** Ҳолдорхон — Узун район ижроия комитети сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи.

535. **Мўминов** Қодир — Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг бўлим мудири.

536. **Мўминова** Мусаввар — Комсомол районидаги «Қизил қаҳрамон» колхозининг сут соғувчиси.

537. **Мўминова** Тожихон — Тошкент шаҳридаги «Қизил юлдуз» ҳунармандчилик кооперацияси артелининг раиси.

538. **Мўминов** Раҳматқул — Тошкент 32-нчи қурилиш трестида бетончилар бригадасининг бошлиғи.

539. **Мўминов** Ёдгор — Поп районидаги «Янги чорва» колхозининг раиси.

540. **Мурзабеков** Мусақул — Ғаллаорол районидаги 1-нчи МТС трактор бригадасининг бошлиғи.

541. **Муротов** Гелберг Кашанович — Каттақўрғон районидаги 1-нчи МТСнинг директори.

542. **Муродов** Муҳаммад — Ўзбекистон К(б)П Наманган область комитетининг бўлим мудири.

543. **Муродова** Нусрат — Қарши районидаги «Тараққиёт» колхозининг звено бошлиғи.

544. **Муслимова** Нури — Тошкент шаҳридаги «Шарқ гули» ҳунармандчилик кооперацияси артелининг раиси.

545. **Мустафоева** Тошниёз — Косон районидаги Горький номли колхозниг звено бошлиғи.

546. **Мусаева** Аяхон — Қуйичирчиқ районидаги Чапаев номли колхозниг звено бошлиғи.

547. **Муҳамадиев** Маҳмараим — Пастдарғом районидаги Сталин номли колхозниг раиси.

548. **Мухторов** Шароф Зиёевич — Ўзбекистон К(б)П Самарқанд шаҳар, Темирйўл район комитетининг биринчи секретари.

549. **Муҳамаджонов** Мусожон — Чинов районидаги 1-нчи МТС участка агрономи.

550. **Муҳамедов** Саидумар — Ўзбек давлат опера ва балет театрининг режиссёри.

551. **Муҳамедова** Ҳадича — Давлат умумий овқатланиш ва савдо ходимлари Ўзбекистон республика касаба союзи комитетининг раиси.

552. **Мухторов** Ғулом — Вобкент район ипакчилик конторасининг мудири.

553. **Муҳиддинов** Солижон — Ўзбекистон К(б)П Наманган область комитетининг инструктори.

554. **Навбаҳоров** Фақир — Водил районидаги Ворошилов номли колхоз бригадасининг бошлиғи.

555. **Назарова** Александра Ивановна — Свердлов район касалхонасининг бош врачи.

556. **Назаров** Амоляк Рубенович — Ўзбек давлат эстрадасининг директори.

557. **Назаров** Виктор Автономович — Ўзбекистон К(б)П Қўқон шаҳар комитетининг бўлим мудири.

558. **Назаров** Нуриддин — Кинематография министрининг ўринбосари.

559. **Назаров** Полвон — Ўзбекистон К(б)П Қўшкўпир район комитетининг секретари.

560. **Назарьянц** Левон Осипович — Чкалов номли заводниг завод комитети раиси.

561. **Назиров** Умар Ғуломович — Тошкент область Матлубот жамияти союзи правлениесининг раиси.

562. **Назиров** Мамасоли — Андижон область ижроия комитетининг бўлим бошлиғи.

563. **Наимов** Наби — Бухоро ипакчилик конторасининг мудири.

564. **Найгоф** Семен Генрихович — «Узваготлес» трестининг бошқаруччиси.

565. **Налбандян** Дмитрий Гегамович — Ўзбекистон К(б)П Оққўрғон район комитетининг секретари.

566. **Наливкин** Иван Борисович — Министрлар Совети группа бошлиғининг старший ёрдамчиси.

567. **Намозов** Жума — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги партия мактабининг ўқитучиси.

568. **Нарзуллаева** Саида — Ўзбекистон Давлат университетининг ўқитучиси.

569. **Насифуллин** Хузият — Бухоро шаҳар водопроводи насос станциясининг бошлиғи.

570. **Нахалов** Георгий Сергеевич — Тошкент темир йўли алоқа ва сигнализация хизмати бошлиғининг ўринбосари.

571. **Не'матова** Назокат — Бухоро область музикали драма театрининг артисти.

572. **Недбай** Иван Малахович — Ўзбекистон К(б)П Қашқадарё область комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

573. **Нефедов** Иван Филимонович — Шўрчи районидаги 1-нчи МТСнинг старший механиги.

574. **Нехорошев** Владимир Дмитриевич — Пахта териш махсус конструктор бюросининг группа раҳбари.

575. **Ни** Виктор Васильевич — Мирзачўл районидаги Чкалов номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

576 **Не'матов** Мирсоат — «Узшейтрест» бошқаруччи.

577. **Не'матов** Ғафур — Самарқанд шаҳридаги Охунбобоев номли кўн ишлайдиган заводниг фасончиси.

578. **Низамиддинов** Анвар Искандарович — Тошкент область ижроия комитетининг секретари.

579. **Никитина** Александра Алексеевна — Хоразм область касалхонасининг бош врачи.

580. **Никитин** Василий Федорович — Ўзбекистон К(б)П Горский район комитетининг секретари.

581. **Николюк** Григорий Акимович — Хоразм область статистика бошқармасининг бошлиғи.

582. **Николаев** Николай Васильевич — «Главнефтесбит»нинг вакили.

583. **Николаева** Анна Петровна — Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар, Куйбишев район комитетининг бўлим мудири.

584. **Николаева** Анна Алексеевна — Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар Сталин район комитетининг бўлим мудири.

585. **Никулин** Юрий Николаевич — Чоржой — Урганч темир йўли қурилишининг мастери.

586. **Нисимбеков** Шарифбек — Бўка район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бош агрономи.

587. **Нечаева** Мария Федоровна — Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар Марказий район комитетининг сектор мудири.

588. **Нишонова** Ғулхон — Ўзбекистон К(б)П Оҳтариқ район комитетининг бўлим мудири.

589. **Новичков** Василий Фролович — Ленин районидаги «Андижон» нефть конининг мастери.

590. **Норов** Зоир — Бешкент районидаги «Октябрь XIII йиллиги» колхозининг раиси.

591. **Нормуҳамедов** Этамберди — Тошкент шаҳар милиция бўлимининг участка вакили.

592. **Нормуродов** Қорахон — Каттақўрғон сув ҳавзаи қурилишининг шофери.

593. **Нугайбеков** Ёрулла Сулаймановнч — Ички ишлар министрлиги Самарқанд область бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

594. **Нуралиев** Абдуллажон — Ворошилов район ижроия комитети халқ маорифи бўлимининг мудири.

595. **Нуров** Бозор — Паркент район ижроия комитети молия бўлимининг мудири.

596. **Нурматов** Қозоқ — Ўзбекистон К(б)П Қамаши район комитетининг секретари.

597. **Нурматова** Хайрихон — Ўзбекистон ЛКСМ Уйчи район комитетининг секретари.

598. **Нурматова** Санагул — Чироқчи районидаги Сталин номли колхозниг а'зоси.

599. **Нурмонов** Юсуп — Гурлан район ипакчилик конторасининг мудири.

600. **Нуруллаев** Файзулла — Каттақўрғон сув ховузи қурилишида ВЛКСМ Марказий Комитетининг комсомол ташкилотчиси.

601. **Нуриддинов** Абдурашид — Давлат хавфсизлиги министрлигининг ходими.

602. **Нуриддинов** Норча — Косон районидаги «Қорақум» совхози партия ташкилотининг секретари.

603. **Ольфиренко** Степан Селиверстович — Орджоникидзе МТСи ишлабчиқариш участкасининг мудири.

604. **Орлов** Александр Иванович — Чоржой—Урганч темир йўли қурилиш бошқармаси техника бўлимининг бошлиғи.

605. **Орлов** Владимир Иванович — Тошкент темир йўли бошқармаси молия бўлимининг бошлиғи.

606. **Орлов** Петр Андреевич — «Чирчиқстрой» трести план бўлимининг бошлиғи.

607. **Осипов** Сергей Сергеевич — Фарғона область ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг старший инженери.

608. **Осипова** Александра Алексеевна — Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг стенографисти.

609. **Павлинская** Елизавета Яковлевна — Адлия министрлиги суд органлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

610. **Павлова** Анна Михайловна — Бутун Иттифоқ ўсимликлар институти Ўрта Осиё станциясининг секция мудири.

611. **Павлова** Екатерина Васильевна — Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг инструктори.

612. **Павлов** Антон Павлович — «Узжилкоммунснаб» конторасининг бошқаруччиси.

613. **Пак** Владимир Петрович — «Гидроэнергопроект» Ўрта Осиё бўлими трести электротехника бюросининг бошлиғи.

614. **Пак** Василий Петрович — Ўртачирчиқ районидаги 2-нчи МТСнинг старший агрономи.

615. **Пак** Виктор Филиппович — Хоразм область ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармаси бўлимининг бошлиғи.

616. **Паничев** Георгий Иванович — Самарқанд область давлат банки конторасининг бошқаруччиси.

617. **Парпиев** Турибой — Бағдод районидаги Маленков номли колхозниг раиси.

618. **Парпибоев** Жўрабой — Наманган нон заводининг мастери.

619. **Пашкевич** Владимир Терентьевич — Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бошқармасининг бош инженери.

620. **Пашков** Александр Павлович — Ўзбекистон К(б)П Бухоро область комитетининг инструктори.

621. **Пенковский** Георгий Иванович — Давлат контроли министрлиги юридик бўлимининг мудири.

622. **Петров** Иван Алексеевич — «Средазводпроект» трести бошқаруччисининг ўринбосари.

623. **Пинчук** Захар Карпович — Ўзбекистон ССР Прокуратураси бўлимининг прокукори.

624. **Пирматов** Исоқжон — Ўзбекистон ЛКСМ Наманган область комитетининг секретари.

625. **Пистунов** Петр Исидорович — Гўшт ва сут саноати министрлигининг бўлим бошлиғи.

626. **Пишугина** Галина Николаевна — СССР Давлат контроли министрлигининг Наманган областидаги старший контролёри.

627. **Павелкина** Евдокия Андреевна — Фанлар академияси химия институти директорининг ўринбосари.

628. **Погорельский** Александр Иванович — Тошкент-юк станцияси паровоз депосининг инженери.

629. **Погодин** Михаил Иванович — Давлат хавфсизлиги министрлиги Тошлоқ район бўлимининг бошлиғи.

630. **Подлубная** Александра Федоровна — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг инструктори.

631. **Позднякова** Анна Михайловна — Ўзбекистон К(б)П Қашқадарё область комитетининг сектор мудири.

632. **Полозова** Елена Всеволодовна — Тошкент областининг старший санитария инспектори.

633. **Полторацкая** Наталия Петровна — «Главметаллосбит» Ўзбекистон конторасн бўлимининг раҳбари.

634. **Поляк** Яков Ильич — Союзпечать республика бўлими бошлиғининг ўринбосари.

635. **Поляков** Владимир Васильевич — «Средазшахтапроект» трестининг бошқаруччиси.

636. **Поляков** Иван Николаевич — «Сельхозснаб» Хоразм область конторасининг бошқаруччиси.

637. **Полянцев** Андрей Федорович — Гурлан район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бош агрономи.

638. **Понибратцев** Николай Александрович — «Средазнефтестрой» трестининг инженери.

639. **Пономарев** Борис Ильич — Оқдарё районидаги 2-нчи МТС нинг директори.

640. **Попов** Николай Филиппович — Инвалидлар кооперацияси Совети бўлимининг бошлиғи.

641. **Прихожан** Георгий Анатольевич — Самарқанд область ипакчилик конторасининг старший агрономи.

642. **Проня** Степан Владимирович — Ўзбекистон К(б)П Денов район комитетининг инструктори.

643. **Пряхина** Татьяна Сергеевна — «Гидромонтаж» Ўрта Осиё монтаж бошқармаси трестининг кран машинисти.

644. **Пўлатова** Ормат — Ўзбекистон К(б)П Кармана район комитетининг секретари.

645. **Пўлатов** Раҳмат — Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг терговчиси.

646. **Пургалин** Лев Яковлевич — Давлат контроли министрлигининг бўлим мудири.

647. **Пуриксз** Дмитрий Федорович — Чирчиқ шаҳар соцнал-та'минот бўлимининг мудири.

648. **Ражабов** Назар — Хева МТСнинг бош агрономи.

(ДАВОМИ БОР)

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг 17, 19, 20, 24, 28, 29 январь, 1, 2, 3, 4, 12, 14, 18, 24 февраль, 8, 15, 21 ва 23 март сонларида босилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР Фахрий унвонларини бериш тўғрисида *)

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганига 25 йил тўлиши муносабати блан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'атни ривожлантириш ишларида кўрсатган катта хизматлари учун қуйидаги кишиларга Ўзбекистон ССР Фахрий унвонлари берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ВРАЧ» УНВОНИ

121. **Шишкин** Нифонт Григорьевич — госпиталь бошлиғининг медицина ишлари бўйича ўринбосари.

122. **Штейн-Ёқубова** — Екатерина Александровна — Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 5-нчи болалар поликлиникасининг педиатор врачи.

123. **Штиренко** Серафима Ивановна — Тошкент шаҳар санотория ва санэпидемиология станциясининг старший эпидемиологи.

124. **Шифрис** Леонид Владимирович — Тошкент шаҳар суд тиббий экспертизасининг суд тиббий эксперти.

125. **Шарапова** Қулниса — Андижон область, Ойим район касалхонасининг бош врачи.

126. **Ясенев** Михаил Михайлович — Тошкент госпиталининг рентгенолог врачи.

127. **Юсупова** Зайтуна Олимовна — Бухоро шаҳар болалар поликлиникасининг участка врачи.

128. **Юнусов** Юсуп Султонович — Ховос районидаги Баландчақир қишлоқ врачлик участкасининг мудири.

129. **Шокиржонов** Олим Қодирович — Сурхондарё область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

130. **Юсупова** Розия Каримовна — Самарқандаги И. П. Павлов номли медицина институти болалар касалликлари кафедрасининг ассистенти.

131. **Юнусова** Ҳасана Аҳмедовна — Тошкентдаги В. М. Молотов номли медицина институти юқумли касалликлар кафедрасининг ассистенти.

132. **Юсупова** Ҳалима Исмоиловна — Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари.

133. **Ёдгоров** Маҳмуд — Андижон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

134. **Сгибов** Владимир Афанасьевич — госпитальда қулоқ касалликлари бўлимининг бошлиғи.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ» УНВОНИ

1. **Абдураҳмонов** Ғулом — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени опера ва балет театрининг солисти.

2. **Олимов** Сайфи — Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек академик драма театрининг артисти.

3. **Аҳмедова** Назира — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг солисти.

4. **Алябьев** Юрий Александрович — Самарқанд шаҳридаги рус театрининг бош режиссёри.

5. **Борухова** Фотима — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг артисти.

6. **Ғафуров** Маҳмуджон — Муқимий номли Ўзбек драма ва комедия театрининг артисти.

7. **Давидов** Петр Семенович — М. Горький номли давлат рус драма театрининг артисти.

8. **Жўраев** Асрор — Самарқанд областидаги Ҳ. Олимжон номли Ўзбек музикали драма театрининг бош режиссёри.

9. **Исматов** Асад — Тошкент бадиий ва хроникаль фильмлар студиясининг актёри.

10. **Каримова** Сабоҳон Каримовна — Қўқон шаҳридаги Ҳамза номли Ўзбек драма театрининг артисти.

11. **Казимбетова** Ойимхон — Нукус шаҳридаги Станиславский номли қорақалпоқ театрининг артисти.

12. **Каримова** Розия — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг балет солисти.

13. **Латипов** Ҳикмат Саидович — Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек академик драма театрининг артисти.

14. **Ленина** Елена Лазаревна — М. Горький номли давлат рус драма театрининг артисти.

15. **Мартинова** Нина Ивановна — Самарқанд шаҳридаги рус драма театрининг артисти.

16. **Могильниченко (Бойко)** Андрей Иванович — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг солисти.

17. **Ма'зумова** Шоҳида — Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек академик драма театрининг артисти.

18. **Никомаров** Наум Давидович — М. Горький номли давлат рус драма театрининг артисти.

19. **Не'матова** Назокат — Бухоро шаҳридаги область Ўзбек музикали драма театрининг артисти.

20. **Овчинников** Анатолий Иванович — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг солисти.

21. **Раҳимонова** Тўхта — Нукус шаҳридаги Станиславский номли қорақалпоқ театрининг артисти.

22. **Раҳимов** Наби Раҳимович — Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек академик драма театрининг артисти.

23. **Содиқова** Зайнаб Ғаниевна — Самарқанд областидаги Ҳ. Олимжон номли Ўзбек музикали драма театрининг артисти.

24. **Содиқов** Зоҳид — Самарқанд областидаги Ҳ. Олимжон номли Ўзбек музикали драма театрининг артисти.

25. **Степанов** Александр Иванович — М. Горький номли давлат рус драма театрининг артисти.

26. **Табибуллаев** Са'ди — Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек академик драма театрининг артисти.

27. **Ҳамроев** Раззоқ — Муқимий номли Ўзбек драма ва комедия театрининг артисти.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ» УНВОНИ

1. **Абдуллаев** Лутфулла Абдуллаевич — рассом.

2. **Икромов** Ҳамидулла — Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек академик драма театрининг постановкачи рассоми.

3. **Кайдалов** Владимир Елпидифорович — рассом.

4. **Канаев** Алихўжа — Ўзбекистон республика бадиий ҳунарманчилик кооперацияси союзининг Молотов номли артелида старший ўймакор уста.

5. **Костин** Дмитрий Степанович — «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари бирлашган нашриётининг босмахона машинисти.

6. **Мусаев** Мели — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг рассоми.

7. **Рифтин** Владимир Александрович — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг бош рассоми.

8. **Саидалиева** Фазилат — Республика бадиий ҳунарманчилик кооперацияси союзининг Молотов номли артелида миллий бадиий кашта устаси.

9. **Ҳакимжонов** Мажид — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги полиграфия нашриётининг хром-тошбосма рассоми.

10. **Ҳамидов** А'зам — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги полиграфия нашриётининг хром-тошбосма рассоми.

11. **Швец** Александр Васильевич — «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари бирлашган нашриётида суратларни тузатучи ва рангли ишларни пайкалловчи.

12. **Шарипова** Наталия Николаевна — Республика ҳунарманчилик кооперацияси союзи Молотов номли артелида бадиий кашта устаси.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ҲОФИЗИ» УНВОНИ

1. **Каримов** Турғун — Радио ахборот комитети Ўзбек ансамблининг ашулачи солисти.

2. **Каспўлатов** Эшон — Қорақалпоғистон радио комитетининг ашулачи солисти.

3. **Шожалилов** Шоқосим — радио ахборот комитети Ўзбек ансамблининг ашулачи, музикачиси.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ» УНВОНИ

1. **А'замова** Мавлуда — Радио ахборот комитети Ўзбек ансамблининг ашулачи солисти.

2. **Оқилова** Маргарита Баҳтуловна — Ўзбекистон давлат эстрадасининг балет солисти.

3. **Азизова** Мукаррам — Наманган шаҳридаги Навоий номли Ўзбек музикали драма театрининг артисти.

4. **Аҳмедов** Соли — Қўқон шаҳридаги Ўзбек театрининг бош режиссёри ва актери.

5. **Антипова** Татьяна Николаевна — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг балет солисти.

6. **Болтаев** Абдурауф — Муқимий номли Ўзбек музикали драма ва комедия театрининг артисти.

7. **Бородин** Александр Васильевич — Туркистон Ҳарбий округи округ рақс ва ашула ансамблининг солисти.

8. **Воҳидов** Собир — Самарқанд областидаги Ҳ. Олимжон номли Ўзбек музикали драма театрининг директори ва режиссёри.

9. **Воҳидов** Содиқ — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг солисти.

10. **Веровская-Случевская** Вера Савишна — Самарқанд шаҳридаги рус драма театрининг артисти.

11. **Гусаков** Борис Наумович — Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг музикачиси.

12. **Давидов** Михаил Давидович — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг артисти.

13. **Дударова** Наталия Алексеевна — Бухоро областидаги Ўзбек музикали драма театрининг бош режиссёри.

14. **Жамолов** Баҳодир — Бухоро областидаги Ўзбек музикали драма театрининг бош режиссёри.

15. **Жабборов** Комилжон — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио ахборот комитети Ўзбек миллий ансамблининг концертмейстери.

16. **Зокиров** Дони — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио ахборот комитети Ўзбек ансамблининг концертмейстери.

17. **Исмоилова** Коммуна — Ўзбек давлат эстрадасининг артисти.

18. **Измайлова** Ғалия Баязитовна — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг балет солисти.

19. **Зиммуҳаммедов** Нурхон — Охунбобоев номли республика ёш тамошабинлар театрининг артисти.

20. **Иоффе** Юрий Самойлович — М. Горький номидаги давлат рус драма театрининг режиссёри.

21. **Козлов** Василий Константинович — М. Горький номидаги давлат рус драма театрининг режиссёри.

22. **Қўзибоева** Ҳамрохон — Фарғона шаҳридаги Ўзбек театрининг артисти.

23. **Қосимова** Умрихон — Андижон шаҳридаги Охунбобоев номли республика Ўзбек музикали драма театрининг артисти.

24. **Калонов** Сапи — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио ахборот комитети Ўзбек ансамбли дирижёрининг ёрдамчиси, композитор.

25. **Криворучко** Матвей Александрович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио ахборот комитети ансамбли бадиий раҳбарининг ёрдамчиси ва квартетининг раҳбари.

26. **Камолов** Баҳром — Қашқадарё область музикали драма театрининг бош режиссёри.

27. **Агафья (Ген-Хи)** Ли — область коррейстлар театрининг артисти.

28. **Любанский** Матвей Робертович — Самарқанд шаҳридаги рус драма театрининг артисти.

29. **Муслимова** Бифоят — Самарқанд область театрининг артисти.

30. **Малиева** Ширинай — Каттақўрғон театрининг директори.

31. **Мамутов** Йўлдош — Самарқанд шаҳридаги Ўзбек театрининг артисти.

32. **Мадраҳимов** Убайдулла — Фарғона шаҳридаги Максим Горький номли Ўзбек музикали драма область театрининг артисти.

33. **Маматхонов** Яҳёхон — Фарғона шаҳридаги Максим Горький номли Ўзбек музикали драма область театрининг артисти ва директори.

34. **Носирова** Мухтарам — Қашқадарё область музикали драма театрининг артисти.

35. **Норбоев** Абдулҳақ — Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек академик драма театрининг артисти.

36. **Орлинский** Владимир Евсеевич — Максим Горький номли давлат рус драма театрининг артисти.

37. **Раҳматова** Фароғат — Муқимий номли Ўзбек драма ва комедия театрининг артисти.

38. **Ризақулов** Усмон — Меҳнат Қизил Байроқ ордени давлат филармониясининг музикачиси.

39. **Раҳимов** Акбар — Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номли Ўзбек музикали драма театрининг артисти.

40. **Раҳимов** Йўлат — Сталин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти Тамарахоним ансамблининг музика раҳбари.

41. **Сергеева** Екатерина Ивановна — Самарқандаги рус театрининг артисти.

42. **Случевский** Александр Васильевич — Самарқанд область театрининг артисти.

43. **Сабуров** Борис Александрович — М. Горький номидаги давлат рус драма театрининг артисти.

44. **Сатторов** Мухтор — Бухоро шаҳридаги область Ўзбек музикали драма театрининг директори ва режиссёри.

45. **Саидалиев** Жўра — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио ахборот комитети Ўзбек музика ансамблининг тамбурчи музикачиси.

46. **Тожиев** Бако Ҳамидович — Самарқанд шаҳридаги Ўзбек театрининг артисти.

47. **Толипов** Соат — Тошкент бадиий ва хроникаль фильмлар киностудиясининг артисти.

48. **Файзиев** Аҳмад — Бухоро шаҳридаги область Ўзбек музикали драма театрининг артисти.

49. **Ҳошимов** Пасим — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг солисти.

50. **Хўжаева** Салима Шоюсуповна — Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбек опера ва балет театрининг солисти.

51. **Ҳасанов** Наби — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио ахборот комитети Ўзбек миллий ансамблининг концертмейстери, композитор.

52. **Хўжаев** Али — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио ахборот комитети Ўзбек миллий ансамблининг музикачиси ва гармончиси.

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 2, 4, 14, 17 ва 22 март сонларида босилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. НИЕЗОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. АБДУЛЛАЕВ.

1950 йил, 24 февраль, Тошкент.

Хотин-қизлар пахта учун курашда актив қатнашишлари керак

Хотин-қизлар ўртасида ишлаш масаласи юзасидан область кенгаши

Тошкент область партия комитети район ва шаҳар партия комитетларининг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимлари ходимларининг кенгашини ўтказди. Бу кенгашда область ва республика ташкилотларининг вакиллари ҳам қатнашдилар.

Тошкент область партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ **Қобилова** «Областдаги хотин-қизлар ўртасида қилинаётган ишлар ва бу ишларни кучайтириш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

Докладчи социалистик қурилишнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг ғайрати ва сиёсий активлиги бенихоя ўсганлиги ҳақида гапирди. Тошкент областидаги колхозчи ва ишчи хотин-қизлар ўз устларига олган мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Неча минглаб колхозчи хотин-қизлар пахтачиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган колхозлар, бригадалар, звенолар ўтган йили катта муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Оҳангарон районидаги Сталин номли колхоз (раиси ўртоқ Мар'ям Ҳайитқулова) ўтган йили пахтов ерлардан пландагидан икки марта ортиқ ҳосил олди.

Хотин-қизлар колхоз хўжалигида катта роль ўйнайдилар. Аммо шундай бўлса ҳам ба'зи партия ташкилотлари, хотин-қизлар ўртасида иш олиб боручи бўлимлар колхозчи хотин-қизларнинг самарали меҳнат қилиши учун яхши шароит вужудга келтириш ва уларга маданий-маиший хизматни яхшилаш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Тошкент областидаги кўпгина колхозларда болалар ясилари учун шу вақтгача доимий бинолар ажратиб берилмаган. Болаларга хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг эҳтиёжлари учун чиқарилган маблағларнинг қанчалик сарфланаётгани текшириб турилмайди. Хусусан Мирзачўл, Сирдар'ё, Оржоникидзе ва Чиноз районларидаги колхозларда памунали ясилар уюштиришга жиддий э'тибор берилмаётир.

Сўнгра, докладчи, Тошкент областидаги хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар қониқарсиз бораётганлигини уқтириб ўтди.

Район ва шаҳар партия комитетларининг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимлари, хотин-қиз активлари билан мақкам алоқа боғлаган эмаслар. Улар ўтмишнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши қат'ий курашмаётирлар. Ба'зи район партия комитетлари хотин-қизлар иззат-ҳурматининг поймол этилишига, диний-хурофий одатларга қарши қат'ий курашмаётирлар.

Октябрь, Сталин районларида паранжисачвон ёпиниб юрган хотинларнинг борлиги улар ўртасида тарбиявий ишлар суст эканлигини кўрсатади. Тошкент шаҳар Марказий район прокурорининг ёрдамчиси коммунист Зиёдулла Ғуломовнинг хотини ва онаси ҳали ҳам паранжи ёпиниб юради. Район партия комитетининг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ Тузикова эса, З. Ғуломовнинг ана шу номуносиб фе'л-атвори тўғрисидаги масалани район партия комитети бюросининг муҳокамасига қўймади.

Саноат корхоналарига ўзбек хотин-қизларини кўпроқ жалб этиш, улар ўртасида техника ўқишини яхши йўлга қўйиш керак. Лекин Чирчиқ шаҳар партия комитети бу масалага э'тиборсизлик билан қарамоқда.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди.

Бекобод район партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ **Оқчурина** райондаги боқча ва ясилар тўғрисида батафсил сўзлади. У область соғлиқни сақлаш бўлимининг районга мутахассис кадрларни кам юбораётганлигини танқид қилди. Мактабгача тарбия ёшида бўлган болаларни тарбиялашга ёрдам берадиган китобларни топиш қийин. Колхозчи хотин-қизлар ўртасида медицина билимлари яхши пропаганда қилинмаётир. Ўртоқ Оқчурина Тошкент область халқ маорифи бўлими болаларга хизмат қилуви муассасаларида суст иш олиб бораётганлигини қаттиқ танқид қилди.

Янгийўл район партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ **Р. Дўстматова**, Мирзачўл район партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлими мудири ўртоқ **З. Алимова** мазкур районлардаги партия ташкилотлари хотин-қизларни раҳбарлик ишларига дадил кўтармаётганликларини айтиб ўтдилар. Мирзачўл районидаги колхоз ранслари ўртасида хотин-қизлардан бирор киши ҳам йўқ. Бригада бошлиқлари бўлиб ишлаётган хотин-қизлар ҳам жуда кам.

Ўртоқ **Ш. Нагибина** (Янгийўл шаҳар партия комитетидан) хотин-қизлар кенгашларининг ишларига тўхталиб ўтди. Шаҳардаги корхоналарда хотин-қизларнинг 22 кенгаши ташкил этилган. Булар шаҳар партия комитети бўлимларининг ишларида катта таянчлардир.

Ўртоқ Нагибина хотин-қизларни саноат корхоналарига кўпроқ тортиш зарурлигини айтди.

Бўка район партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ **Абдуллаева** ва ўртоқ **Муҳаммедова** (Октябрь район партия комитетидан) ўз нутқларида ўтмишнинг сарқитларига қарши курашни кучайтириш масалаларига тўхталиб ўтдилар. Ўртоқ **Аширбоева** (Оржоникидзе район партия комитети) кўклам экиш ишлари бошланиши муносабати билан колхозчи хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш зарур, деди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги маданий-оқартув муассасалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ж. Тожиева** областдаги маданий-оқартув муассасаларининг ишлари ҳақида, колхоз клублари, кутубхоналар, район маданият уйларининг ишларини яхшилаш ҳақида сўзлади.

Кенгашда область маориф бўлими ходими ўртоқ **З. Ғабидуллина**, Тошкент область прокурорининг ўринбосари ўртоқ **Казанова**, область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири **Маҳсумов** ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Кенгашнинг охирида Ўзбекистон Б(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **З. Раҳимбобоева** нутқ сўзлади. Ўртоқ Раҳимбобоева район ва шаҳар партия комитетлари хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимларининг ходимлари олдига хотин-қизларни пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда актив қатнаштириш билан боғлиқ бўлган амалий вазифаларни қўйди.

КОЛХОЗ ҚИШЛОҚЛАРИНИ ОБОД ВА МАДАНИЯТЛИ ҚИЛАМИЗ



Самарқанд районидаги Сталин номли колхоз ўз электр станциясига эга. Станция колхоз қишлоғини Ильич нурлари билан ёритмоқда. Суратда: колхозчи монтёр Асад Абдуллаев плафон ўрнатмоқда
А. Кузьменко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхоз қишлоқларида янги электр станциялар

БУХОРО

Шофирқон районидаги 15 та колхозда янги электр станциялар қурилди. Шўробод қишлоқ советидаги «Комсомол» колхозидаги электр станция колхозчиларнинг уйини ва жамоат биноларини ёритмоқда. Каганович номли колхоз правлениеси динамо сотиб олиб, унинг воситаси билан колхозчилар уйига электр қуввати берди. Дўрмон қишлоқ советидаги «Ленин йўли», Тезгузар қишлоқ советидаги «Қизил байроқ» колхозлари а'золарининг уйларига радио туширилди.

О. Омонов.
Н. Саидов.

ХОРАЗМ

Янгиариқ районининг қўпчилик колхозларида электр станциялар қурилди. Боғот қишлоқ советидаги Наримонов номли колхозда қурилиб ишга туширилган электр станция жамоат биноларини, иккита мактабни ва колхозчиларнинг уйларини чироқ билан та'минлади. Тозабозор қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг а'золари электр станция қурилишида фидокорона меҳнат қилиб, станцияни муддатидан олдин битказдилар. «Намуна», «Майда миллат», «Оқ олтин» ва Ленин номли колхозларда ҳам янги электр станциялар қурилмоқда.

А. Бобожонов.

ТОШКЕНТ

Тошкент қишлоқ район, Қатортол қишлоқ советидаги «Иккинчи бешйиллик» колхози правлениесининг ташаббуси билан Оқтепа гидроэлектростанциясидан электр келтирилди. Ҳозир колхоз идораси, клуб ва 50 та хонадоннинг уйига электр туширилди. Мактабга ва колхозчиларнинг уйларига симлар тортилиб, лампочкалар ўрнатилмоқда.

М. Қўшоқов.

ФАРҒОНА

Молотов район, Янги қишлоқ советидаги Молотов номли колхозда қурилабошлаган гидроэлектростанция СССР Олий Советига сайловлар кунида ишга туширилди. Ҳозир колхозлаги 200 хўжаликнинг уйида Ильич лампочкалари нур сочмоқда.

Ю. Ҳакимов.

Маҳаллий газеталар саҳифаларидан

Саноати яшнаётган область

«**Бухоро ҳақиқати**» газетаси яқинда область саноати ва транспортига бағишлаб икки саҳифа материал босиб чиқарди. Материаллардаги фактлар ва рақамлар революциягача харобаликда ётган Бухоронинг совет ҳукумати ва большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида гуллаб-яшнаганини, социалистик саноати илдам қадамлар билан ривожланган шаҳарга айланганини яққол кўрсатади.

Газета сталинча биринчи бешйиллик даврида пиллакашлик фабрикаси, гўшт комбинати, водопровод, ғишт заводи, «XVI партия с'езди» тикувчилик фабрикаси, қоракўл терилари ошлаш заводи, лимонад заводи ва бошқа кўп саноат корхоналари қурилганини ёзади.

Областда сталинча иккинчи бешйиллик даврида:

«...«Норпой» совхози олдида пахта тозалаш заводи, Бухорода 3-нчи сон якка буюртмалар тикиш фабрикаси, пахта тозалаш заводи, марказий электр станция, нон комбинати, сут-ёғ заводи, пойафзал фабрикаси, «ВЛКСМ XX йиллиги» тикувчилик фабрикаси ва бошқалар...»

барпо этилган. Газетада, сталинча учинчи бешйилликда Ғиждувон ёғ заводи, пахта тозалаш заводи, Бухорода 9-нчи вино заводи, Когон паровоз ва вагон депоси, минерал ўғит заводи ва бирқанча бошқа янги корхоналар вужудга келгани айтилади.

Урушдан кейинги сталинча бешйилликда Бухоро шаҳрида музхона, Когонда оҳак-ганч заводи ва саноатнинг бошқа тармоқлари барпо этилган. Партия ва ҳукуматимизнинг, шахсан ўртоқ Сталининг буюк ғамхўрлиги туфайли, бу корхоналар ҳозирги замоннинг энг қудратли техникаси билан қуролланди.

Пахта ҳосили тўрт йил ичида олти марта ошди

«**Ленин йўли**» газетасининг сўнгги сонларидан бирида Қоратар'ё район, Гирдиқўрғон қишлоқ советидаги «Пахтакор» колхозининг раиси ўртоқ Нарзулла Тоғоевнинг юқоридаги сарлавҳа остида катта мақоласи босилиб чиқди. Ўртоқ Тоғоев ўз мақоласида:

«Бундан тўрт йил аввал колхозимиз қолоқ ҳисобланарди. 1946 йилда 29 гектар ернинг ҳар гектаридан атиги 3,5 центнер ҳосил олинган эди»

деб ёзади ва колхозда пахта ҳосилини ошириш учун қандай тадбирлар кўрилганлигини ҳикоя қилади:

«Пахта майдонимиз икки қисмга бўлинади. Бир қисми—тепа-даштлик ва иккинчиси—Оқдар'ё бўлимидаги зах, кўрик ерлар.

Шунинг учун ерларнинг захини қочириш биринчи вазифа қилиб қўйилди. Дастлаб, 1.5 метргача узунликдаги 15 та янги зовур қазилди.

... Эски суғориш шохобчаси пастки ерлардаги захни қочириш хизматини ўтайдиган жой бўлиб қолди».

Раис ўша вақтда от-улов ва ҳайдов кучларининг камлигини айтиб, ўтган тўрт йил ичида колхоз от-аравалари 8 марта ва қишлоқ хўжалик машиналарига тиркаладиган ҳайдов кучлари икки марта ошганини ёзади.

Автор, ерларнинг аҳволини яхшилашга алоҳида э'тибор берилганини кўрсатади.

«... Бунинг учун пахта майдонларининг биринчи қисми, я'ни майда-майда карталардан иборат тепаликлар текисланиб, яхлит қилинди. Натижада, сувдан тўғри фойдаланиш ва пахта майдонларини ишлаш яхшиланди.

Шундай қилиб, колхозимиз районнинг юқори ҳосилли колхозлари даражасига етиб олди. Зах ерларнинг ҳосили 6 марта ва яхлитлашган ерларнинг ҳосили 2—3 марта кўпайди».

Раис пахтадан юқори ҳосил етиштиришда колхоз партия ташкилоти ва колхозчилар қолоқлигининг туб сабабларини аниқлаб, уларни тузатиш учун фидокорона меҳнат қилганлари сабабли, 1949 йилда 602 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил етиштирилганини ва пахта тайёрлаш давлат плани ошириб бажарилганини ҳамда колхоз а'золарининг кураши эндиликда колхозни фақат район миқёсидагина эмас, балки область миқёсида юқори ҳосилли илғор колхозлар даражасига етказиб олишга қаратилганини айтади.

«... Ҳосил миқдорини 1949 йилдагига нисбатан бир ярим баравар ошириш, я'ни бу йил ҳар гектар ердан 30 центнер пахта етиштириш мажбуриятини олдик. Бунинг учун ҳозир дала ишлари кенг қизитилган».

Колхозда ариқ-зовур қазиш ишлари тамомланди, далага 5 минг тонналаб кўпроқ маҳаллий ўғит чиқарилди, «Сельхозснаб» омборидан 100 тонна минерал ўғит ташиб олинди. Мақоланинг охирида бундай дейилади: Колхознинг

«Областимизнинг доимдор пахтакор колхозлари қаторига ўтиб олишига ишончимиз комил. Колхоз а'золарининг фидокорона меҳнати, совет давлатининг доимий ёрдами ва илғор совет агротехника фани бунга асосдир».

2 миллион туп дарахт кўчати ўтқазилди

ТЕРМИЗ, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Сурхондарё областида дарахт ўтқазиш ҳафталиги асосан тамомланди. Ҳафталик бошланганидан бери 2 миллион туп дарахт кўчати ўтқазилди. Бунинг кўп қисмини Шеробод районидаги янги ўзлаштирилаётган Талимарон участкаси ва ундаги Занг ариғи бўйларига ўтқазилган дарахтлар ташкил этади.

Шунингдек, ҳафталик давомида Термиз атрофидаги 6 гектарча қумлик ерга саксовул уруғи сочилди. Жарқўрғон районидаги колхозларнинг мевали дарахтлар майдони 24 гектарга кенгайтирилди. Термиз шаҳрида ҳам кўп миқдорда ёш кўчатлар ўтқазилди.

Дарахт ўтқазиш ҳафталигида комсомол ёшлар катта ташаббус кўрсатдилар.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„За коммунизм“ газетаси танқидни севмайди“

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 4 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида Ўзбекистон Б(б)П Наманган область комитетининг органи «За коммунизм» газетасига обзор берилган эди. Обзорда «За коммунизм» газетаси редакцияси газета саҳифаларида большевикча танқид ва ўзўзини танқид ҳақида принципиал хабар ва мақолалар босмаётганлиги, аксинча, танқидларни газетхоналардан яширишга уруниб келаётганлиги кўрсатилган эди.

Ўзбекистон Б(б)П Наманган область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ Пормуҳамедов газета обзори область партия комитетининг бюросида муҳокама қилинганлиги ва обзорда кўрсатилган камчиликларни тугатиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланганлигини редакциямизга хабар қилди.

„Пахтакор районида кўкламга тайёрлик ишлари кечиктирилмоқда“

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 11 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида Ҳ. Жунайдов ва Р. Шукуров ўртоқларнинг хабари босилган эди. Бу хабарда Самарқанд областининг Пахтакор районидаги кўпчилик колхозларда кўкламга тайёргарлик ишлари қониқарсиз бораётганлиги танқид қилинган эди.

Ўзбекистон Б(б)П Пахтакор район комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унинг натижасини район партия комитетининг бюро йиғилишида муҳокама қилди. Бюро мажлиси хабардаги фактларни тўғри деб топди ва кўкламга тайёргарлик ишларини кучайтириш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

Район партия комитети «Гулистон», «Қизил ой», «Инқилоб», Молотов номли, Димитров номли ва Карл Маркс номли колхозларнинг правлениелари раисларига ҳамда бошланғич партия ташкилотларига кўклам дала ишларини яхшилаш ҳақида тегишли кўрсатмалар берди.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Чиноз район, Кўтарма қишлоқ советининг раиси ўртоқ Равшанов ўз вазифасига совуққонлик билан қараб келаётгани кўрсатилган эди.

Чиноз район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Алимов бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактлар тасдиқланганлигини редакциямизга хабар қилди.

Кўтарма қишлоқ советининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессиясининг қарори билан Равшанов ўз вазифасидан четлаштирилди.

☆

Редакциямизга келган бир хабарда Самарқанд область, Зомин районидаги «Комсомол» колхозининг раиси Ҳатамназаров ва ферма мудири Гайбуллаев қишлоқ хўжалик артели Уставини қўпол равишда бузиб, жамоат мулкини талон-торож қилаётганликлари кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Самарқанд область Советининг ижроия комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказди ва хабарда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди. Текшириш натижасида колхознинг жамоат мулки айрим раҳбарлар томонидан талон-торож қилинганлиги, катта растрата-лар борлиги аниқланиб, бу ҳақдаги ҳужжатлар, айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш учун район прокурорига топширилди.

Марказий район агитаторларининг йиғилиши

Тошкент шаҳар Марказий район агитаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Райондаги агитаторлардан 1000 киши қатнашган бу йиғилишда район партия комитетининг секретари ўртоқ Гальченко СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайлов кампаниясида ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг якунлари ҳамда агитация-пропаганда ишларини бундан кейин ҳам давом эттириш соҳасидаги вазифалар ҳақида доклад қилди.

Докладчи, район партия ташкилотлари сайловлар даврида кенг миқёсда оммавий-сиёсий ишлар олиб борганликларини, бу ташкилотлар томонидан ажратилган 4 минг агитатор сайловчилар ўртасида сайлов системаси, ички ва ташқи аҳвол ҳақида 13 минг марта суҳбат ўтказганлигини қайд қилиб ўтди. Агитпунктлар сайловчилар учун 248 лекция ва доклад ўтказдилар. Буларга 35 мингдан кўпроқ киши иштирок этди.

Сайлов кампаниясида агитаторлар сони нишчан, тажрибали ва малакали кишилар ҳисобига янада кўпайди. Зубрицкая, Гусев, Захаров, Желенко, Толипов ва бошқа ўнлаб агитаторлар меҳнаткашлар ўртасида жуда яхши ишладилар. Ўртоқ Соболева мудирлик қилган 22-нчи, ўртоқ Рогова мудирлик қилган 20-нчи, ўртоқ Константинов мудирлик қилган 5-нчи ва бошқа кўпгина агитпунктлар намунали ишладилар.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари сайловларга тайёргарлик даврида ортдирилган тажрибаларни янада бойитиб, меҳнаткашлар ўртасида агитация ва пропаганда ишларини янада давом эттиришни ўз олдиларига жанговар вазифа қилиб қўйдилар. Барча агитпунктлар ва агитколлективлар райондаги завод ва фабрикаларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, турар жойларда оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтирадилар, бу ишларнинг савиясини сайловлар давридагидан ҳам юксак даражага кўтариш учун курашадилар.

Лекция пропагандасини янада кучайтирайлик

Мамлакатимиз Ленин — Сталин партиясининг доно раҳбарлиги остида халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида гоят катта муваффақиятларга эришди. Халқимизнинг коммунизм қуриш йўлидаги кураши янгидан-янги натижалар бермоқда. СССР тараққиётининг янги палласида — социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш палласида тез сур'атлар ва комил ишонч билан олга қараб бормоқда. Броқ совет халқи эришилган ютуқлардан қаноатланиб қолмайди. Буюк мақсадга эришиш учун буюк ғайрат ва ҳиммат билан меҳнат қилиш, урушдан кейинги тараққиётимизнинг ўртоқ Сталин томонидан чизиб берилган улуғвор программасини тўла-тўкис бажаришимиз керак. Бу соҳада халқимизнинг сиёсий онглилиги, ғоявий савияси ва билим даражаси катта роль ўйнайди.

Совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг сиёсий онглилигини янада ошириш ва билим даражасини юқори кўтариб, инженер-техниклар савиясига етказишда лекция пропагандаси, шубҳасиз, катта роль ўйнайди. Бу пропаганда меҳнаткашлар оммасига партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини тушунтириб беришга, олдимизда турган улуғвор вазифаларни бажаришга меҳнаткашларни сафарбар этишда ҳам муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Меҳнаткашлар ўртасида олиб бориладиган лекция пропагандасининг асосий вазифаларидан яна бири—партиямиз йўлига ёт бўлган, совет кишиларига ёт бўлган, ўтмишдан мерос бўлиб қолган хусусий мулкчилик, ўз шахсий манфаатини жамият манфаатидан юқори қўйиш, халол меҳнат қилмаслик, чет эл олдида тиз чўкиш, миллатчилик, космополитизм ва шулар каби сарқитларга қарши кескин кураш олиб боришдан ҳам иборат бўлиши лозим.

Ўртоқ Сталин ВКП(б) нинг XVII с'ездида бундай деган эди: «... биз капитализмнинг экономикадаги ҳамма қолдиқларини тугатдик, деб айтиш мумкинми? Йўқ, бундай дейиш мумкин эмас. Капитализмнинг кишилар онгидаги қолдиқларини йўқотдик, деб айтиш сира ҳам мумкин эмас. Кишиларнинг онги ўз тараққиётида уларнинг иқтисодий аҳволларидан орқада қолиб келганлиги учунгина эмас, балки капиталистик қуршов бор бўлганлиги учун ҳам бундай дейиш мумкин эмас, чунки бу қуршов СССРга экономикада ҳам, кишиларнинг онгида ҳам капитализм қолдиқларини жонлантириш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилади ва биз, большевиклар, бу қуршовга қарши доим шайланиб турмогимиз лозим» (Ленинизм масалалари, 11-нчи нашри, 1949 йил, Ўзгавнашр, 580 бет).

Ўзбекистон Б(б)П Марказий Комитети ўртоқ Сталининг барча кўрсатмаларига амал қилиб, 1948 йил сентябрь ойида республикамизда маданий-оқартув ишларини, шунингдек, меҳнаткашлар ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш тўғрисида махсус қарор чиқарган эди.

Республика Марказий лекция бюроси Ўзбекистон Б(б)П Марказий Комитетининг ана шу қарорига амал қилиб, бу соҳада анчагина ишлар қилди. Лекция бюросининг ихтиёридаги кадрлар ҳам, унинг ишлари ҳам сон ва сифат жиҳатидан йил сайин кўпайиб, яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Марказий, область лекция бюролари ва районлардаги лекторлар группаларида 3 мингга яқин штатсиз лектор бор. 1949 йилда бу шоҳобчалар томонидан меҳнаткашлар орасида қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият соҳаларида, оммавий-сиёсий, тарихий темаларда, медицина, юридик ва бошқа фанларга доир соҳаларда республика бўйича 40 мингдан кўпроқ лекция ўқилди.

Марказий лекция бюроси область лекция бюроларига яқиндан ёрдам берди, уларга малакали лекторлар, методик кўрсатмалар ва бирқанча лекцияларнинг ёзма текстларини юборди. Бу текстлар ичида «Ўзбекистон—СССРнинг асосий пахта кони», «Коммунистик ахлоқ ҳақида», «Фан ва ҳаёт», «Капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши кураш», «Ленин—Сталин Совет Ўзбекистони ҳақида», «Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги», «Социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш тўғрисида» деган ва бошқа кўпгина темаларда анчагина лекцияларнинг текстлари бор.

Республика Марказий лекция бюроси Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллиги, ўртоқ Сталиннинг 70 ёшга тўлиши ва СССР Олий Советига сайловлар муносабати билан область ва шаҳар лекция бюроларига махсус лекция тематикаларини юбориб, уларнинг ишларига анчагина ёрдам берди.

Ўтган йили лекция бюросининг иштирокида ҳар турли темаларда «Фан ҳақида суҳбатлар» номли 27 та варақа чиқарилди. Бу варақалар республикамизда кенг тарқалиб, халқимиз томонидан севиб ўқиладиган бўлиб қолди.

Ўтган йили область лекция бюроларининг директорлари ва штатли лекторларининг иштирокида икки марта семинар ўтказилди. Мирзачўлни ўзлаштиришга бағишлаб уч марта агитмашина ташкил этилди. Марказий лекция бюроси Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда, Фарғона, Андижон ва Наманган областларига бирнеча марта агитпоезд юборди.

Аммо республика Марказий лекция бюросининг ишларида каттагина камчиликлар ҳам бор. Республикамизнинг кўпгина областларида лекция пропагандаси яхши йўлга қўйилган эмас. Ба'зибир областларда ҳозирги кунда энг зарурий бўлган темаларда юксак савияли лекциялар кам ўтказилмоқда. Бухоро ва Наманган областларида динга қарши пропаганда жуда бўшаштириб юборилган, капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши кураш темаларида лекциялар жуда кам ўтказилган. Ба'зи областларда район ва қишлоқ зиёлилари лекция ўқишга тўла жалб этилмаган. Айниқса, Қорақалпоғистон АССРнинг Қўйбишев районидаги, Бухоро областининг Рометон ва Бухоро районларидаги лекторлар группаларида шундай аҳволни кўрамиз. Тошкент областини мустасно қилганда, барча областларда қишлоқ лекцияларни мутлақо қониқарсиз ишламоқда.

Марказий лекция бюроси ва унинг областлардаги бўлимлари ана шу камчиликларни тезда бартараф қилиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларга партия ва ҳукуматимизнинг сиёсатини тушунтиришда асосий дастакдардан бири бўлган лекция пропагандасини кучайтириб юборишлари керак. Республикамизда кўклам экиш кампанияси даврида қишлоқда оммавий-сиёсий ишларни ҳартарафлама кучайтириб юбориш, халқимизни бу йил давлатга ўтган йилдагига қараганда янада кўпроқ пахта етиштириб бериш, сталинча тўртинчи бешйилликни муддатидан олдин бажаришга сафарбар қилиш соҳасида олдимизда катта вазифалар турипти. Лекция пропагандаси ва оммавий, сиёсий ишлар ана шу улуғвор вазифалар даражасига кўтарилиши лозим.

М. УМАРСВ.
Республика Марказий лекция бюросининг директори.

Халқ демократияси мамлакатларида

АЛБАНИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ИШЛАБЧИҚАРИШ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ТИРАНА. Албания телеграф агентлиги хабар беради: мамлакатдаги бирқанча саноат корхоналарининг коллективлари тинчлик учун кураш шиори остида Майолди социалистик мусобақасини кучайтириб, биринчи кварталнинг ишлабчиқариш планларини муддатидан илгари бажардилар.

Корчадаги «Серп и Молот» трикотаж фабрикаси ишчиларининг коллективи ғайрат билан ишлаб, биринчи квартал планини муддатидан 23 кун илгари бажарди. Шкодер ва Эльбасандаги ёғ ва совун заводларининг коллективлари ҳам ишлабчиқариш программасини оширибо бажардилар.

Сталин номидаги тўқимачилик комбинатини қуручи ишчилар биринчи квартал программасини муддатидан 15 кун илгари адо этдилар.

ЯНГИ ЙЎЛДАН

СОФИЯ. Булғория Халқ республикаси мамлакат озод қилингандан буён бешинчи кўкламни хурсандчилик билан кутиб олмоқда. Бу йил якка деҳқонлар билан бирқаторда 1.605 меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжалиги ҳам дала ишларига киришди. Меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжаликларида 161 минг деҳқон хўжалиги бирлашган. Бу хўжаликлар орасида Пловдив уездидаги «Первенец» кооперативи ҳам бор. «Первенец» кооперативи ҳозирги вақтда 234 деҳқон хўжалигини, ёки қишлоқдаги барча хўжаликларнинг 40 процентини бирлаштирган.

Ер ислоҳоти ўтказилганлиги, шунингдек қишлоқ хўжалигига давлат томонидан катта ёрдам берилганлиги натижасида Булғорияда экин майдонлари анча кенгайди. Жумладан, дон экинлари майдони 2 миллион декар, кунгабоқар майдони 800 минг декар, пахта, зиғир ва конопля майдони икки мартадан кўпроқ кенгайди.

Чорвачилик 1949 йилда урушдан аввалги даражага етди.

Булғориянинг халқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги бешйиллик планда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу вазифаларни бажаришда Булғория меҳнат кооператив-деҳқончилик хўжаликлари катта роль ўйнайди.

ВЕНГРИЯДА СОВЕТ ФИЛЬМЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

БУДАПЕШТ. Венгер — совет дўстлиги ойлиги вақтида Венгрия халқ республикасининг меҳнаткашлари совет кинематографиясининг 30 йиллигини кенг нишонладилар. Мамлакатнинг кўпгина кино-театрларида совет кинематографиясининг 30 йиллигига бағишланган виставкалар ташкил қилинди ва совет фильмлари кўрсатилди.

Жумладан, «Сталинград жанги» фильмининг иккинчи серияси ва «Жаҳон ёшлари» номли рангдор ҳужжатли фильм тамошабинларни айниқса қизиқтирди. «Сталинград жанги» фильмининг иккинчи серияси икки ҳафта ичида 300 мингга яқин киши, «Жаҳон ёшлари» фильмини 10 кун ичида 130 минг киши кўрди.

КООПЕРАЦИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ УМУМРУМОНИЯ С'ЕЗДИДА

БУХАРЕСТ. 21 мартда кооперация ходимларининг Умумрумония с'ездида ҳисобот доклади юзасидан музокаралар давом этди. Музокарада қатнашган вакиллар Румонияда кооперациянинг ташкилий жиҳатдан ҳам, ишлабчиқариш соҳасида ҳам талайгина муваффақиятларга эришганлигини, меҳнаткаш деҳқонлар ўртасида кооперацияга ишонч ва кооперацияга а'зо бўлиб киришга интилиш катта эканлигини та'кидлаб, бу муваффақиятларга Совет Иттифоқининг катта ёрдами туфайли ва совет кооперациясининг бой тажрибасидан фойдаланиш натижасида эришилганлигини уқдириб ўтдилар.

Вакил Еакотош совет делегацияси с'ездга Центросоюз номидан қизил байроқ тақдим этганлиги тўғрисида гапириб, залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида бундай деди: бу байроқ Румония халқ республикасидаги энг яхши кооперативларга топширилиши лозим. Биз бу байроқда В. И. Ленин ва И. В. Сталин портретларини кўрамиз. В. И. Ленин ва И. В. Сталин Румониядаги ҳарбир кишининг қалбида яшамоқда. Ана шунинг учун биз ўз ишимизда ҳамиша совет кооперацияси йўлидан борамиз. Бу йўл бизни янги муваффақиятларга олиб келади, мамлакатимизни бахтли ҳаётга эриштиради ва тараққий этдиради.

С'езд қатнашчилари ўртоқ Сталин шарафига чин қалбларидан табрик сўзлари айтиб, Совет Иттифоқи шарафига кучли қарсак чалдилар.

Вакилларнинг та'кидлаб ўтишича, кулаклар қаттиқ қаршилик кўрсатаётган бўлишига қарамай, Румония ишчилар партияси атрофида жипслашган меҳнаткаш деҳқонлар кулакларга қарши қаттиқ курашмоқдалар; кулакларнинг агитациясига қарамай, деҳқонлар оммаси кооперативларга а'зо бўлиб кирмоқдалар.

Сўзга чиққан вакиллар тинчлик учун курашда, уруш оловини ёқучиларга қарши курашда кооперация арбоблари ғоят катта роль ўйнаётганликларини айтиб, бу курашда совет кооперациясининг вакиллари активи қатнашаётганликларини уқдириб ўтдилар.

Румония кооперациясининг раҳбар ходимларидан бири Джорджеску Халқаро кооператив уюшмаси ижроия комитетининг раҳбарларига қарши нутқ сўзлаб, уларни фош қилди. Бу раҳбарлар демократик кооператив ташкилотларининг Халқаро кооператив уюшмаси Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгрессининг ишларида қатнашсин деган таклифини рад этган ва шу билан империализм лагерига, уруш оловини ёқучилар лагерига ўтган эдилар.

Музокарага чиққан вакиллар Румониядаги қуйи кооператив ташкилотларининг, шунингдек кооперация раҳбарлик органларининг ишидаги камчиликларни ҳам қаттиқ танқид қилдилар.

ПОЛЬШАДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ИШЛАБЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

ВАРШАВА. Польша матбуот агентлиги билдиради: сўнгги 20 кун ичида Польшада 204 та янги деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативи рўйхатга олинди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда мамлакатда 726 деҳқончилик кооперативи бор. Бу кооперативларда 17.433 деҳқон хўжалигини бирлаштиради.

22 март. (ТАСС).

Италияда умумий ишташлаш

РИМ, 22 март. (ТАСС). Кнети яқинидаги (Абруцци области) Лентелла деган шаҳарчада полиция ишсиз батраклардан кеча кечқурун яна қонли ўч олди. Икки киши ўлди ва ўн киши яралор бўлди. Умумиталия меҳнат уюшмасининг секретариати уюшма ижроия комитети қабул қилган қарорга мувофиқ, норозилик билдириш юзасидан бутун Италияда 12 соатлик умумий ишташлаш э'лон қилди. Ишташлаш 22 март соат 6 дан соат 18 гача давом этади.

РИМ, 22 март. (ТАСС). Бугун эрта билан Италиянинг ҳамма қисмида Абруцци вилоятида меҳнаткашларнинг полиция томонидан ўққа тутилганига қарши норозилик юзасидан умумий ишташлаш бошланди. Бу ишташлаш Умумиталия меҳнат уюшмаси томонидан э'лон қилинди. Ишташлаш бошланган пайтда полиция билан меҳнаткашлар ўртасида жуда кўп тўқнашлар бўлди. Полиция митинг ва намойишлар бўлишига йўл қўймаслик тўғрисида буйруқ олди.

АНСА агентлиги билдиради: Миланда, Туринда, Болоньеда ва Шимолий Италиянинг бошқа шаҳарларида корхоналар ва шаҳар транспорти ўз ишларини тўхтатдилар, 100 трамвай вагонини қуролли соқчилар назорати остида Милан кўчаларига чиқариш тўғрисида полиция томонидан буйруқ берилган бўлса ҳам, ҳамма вагонлар деподан чиқарилмади.

Полиция иш ташлаган ишчиларни тарқатиб юборишга урунаётганлиги сабабли полиция билан меҳнаткашлар ўртасида тўқнашишлар бўлаётганлиги ва меҳнаткашлар қамоққа олинаётганлиги тўғрисида ҳамма ердан хабарлар олинмоқда.

Римда полиция ярим кечадаёқ сафарбар қилиниб, шаҳарнинг барча энг муҳим пунктларига жойлаштирилди. Шаҳар транспорти ишларини тўхтатиб қўйди. Фақат айрим трамвай вагонлари ва автобусларгина қатнамоқда, уларни бир тўда штрейкбрехерлар идора қилмоқдалар.

Полиция Эзедр майдонида чақирилган митинг ва намойишнинг олдини олиш учун ўзининг барча кучларини сафарбар қилди. Жуда кўп меҳнаткашлар меҳнат палатасининг чақиришига мувофиқ бу майдонга келабошлаган эдилар. Полиция майдонни ўраб олди, одамларни калтаклади ва автомашиналарга бостирди, митинг бўладиган жойга ўтмоқчи бўлган намойишчиларни қамоққа олди. Римда полиция томонидан ушланган ишташловчилар ва тинч аҳолидан неча юзлаб киши юк автомашиналарида турмаларга жўнатилди.

РИМ, 22 март. (ТАСС). Кейинги ма'лумотларга қараганда, умумий ишташлаш вақтида Римда қамоққа олинган меҳнаткашлар сони 1.500 кишига етган. Марказий маҳаллаларня ва ҳукумат бинояларини полиция билан бирқаторда аскарлар ҳам қўриқламоқдалар.

Рим, Генуя ва Миланда ишташлаганлар ўртасида полициянинг калтак зарбидан яралор бўлган кишилар кўп.

Италияда ма'мурларнинг жазо чораларига қарши халқ норозилиги ҳаракати

РИМ, 22 март. (ТАСС). Умумиталия меҳнат уюшмасининг ижроия комитети ахборот э'лон қилди. Ахборотда бундай дейилади:

«21 мартда Римда Умумиталия меҳнат уюшмаси (ВИКТ) ижроия комитетининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда айрим соҳаларнинг энг йирик умуммиллий меҳнат уюшмаларининг раҳбарлари ҳам қатнашди. Ижроия комитети ҳукумат томонидан эркинликни бўғишга қаратилган тадбирлар кўрилганлиги натижасида мамлакатда юз берган аҳволни муҳокама қилди.

Умумиталия меҳнат уюшмаси бош секретари ди Витторионинг ахборотини эшитиб, ижроия комитети Умумиталия меҳнат уюшмаси секретариати томонидан мазкур тадбирларга берилган баҳони яқдиллик билан ма'қуллади, шунингдек бутун мамлакатда конституцияга ва республика қонунларига қасд қилиш йўлидаги ҳарқандай урунишларга қарши халқ оммасининг кенг курашини кучайтиришга қаратилган барча тақлифларни ма'қуллади.

Ижроия комитети Италия меҳнаткашларининг ҳаракатидан бениҳоя мамнун бўлганлигини билдирди. Италия меҳнаткашлари оммавий ишташлаш ва намойишлар уюштириб, шунингдек касаба союз эркинликлари ва демократик эркинликларга (бу эркинликлар меҳнаткашларнинг ўз тинчликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун энг муҳим асосдир) таҳдид этувчи ҳарқандай хавфга қат'ий қаршилик кўрсатишга қарор берганликларини намойиш қилиб, бу билан касаба союз ҳаракатидаги муваффақиятни ва сиёсий онглари ўсганлигини жуда яхши исбот қилдилар.

Ижроия комитети қуйидагиларни та'кидлайди: 20 мартда Италиянинг энг йирик марказларида бўлиб ўтган оммавий намойиш ва митинглар меҳнаткаш халқнинг ҳукумат томонидан ирвогарлик мақсадида кўрилган тадбирларга биринчи жавобидир. Ҳукуматнинг бу тадбирлардан кузатган мақсади — меҳнаткашлар оммасининг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонуний тартибда таъ'йиқ қилиш имкониятини йўқотиш, шунингдек помешчикларнинг ҳамда иқтисодий соҳада ҳукмронлик қилаётган кичик бир тўданинг имтиёзларини ва шахсий манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Ижроия комитети меҳнаткаш итальянлари ҳарбир жамоада, ҳарбир вилоятда ҳарбир областьда ҳукуматнинг меҳнаткашларнинг конституцион ҳуқуқларига ҳарқандай йўл билан қасд қилишига қарши зўр ғайрат билан изчил кураш олиб бориш учун мамлакатдаги барча соғлом ва демократик кучларни кенг миқ'ёсда бирлаштиришга чақиради.

Ижроия комитети хавф остида қолган касаба союз эркинликлари ва демократик эркинликларни ҳимоя қилиш зарурлигига мамлакатнинг э'тиборини жалб этишга интилиб, 26 мартда барча вилоят марказларида, шунингдек Италиянинг бошқа йирик жамоаларида митинглар уюштиришга қарор қилди».

Хитойда кадрлар тайёрлаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар

ПЕКИН, 22 март. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришига қараганда, Шарқи-Шимолий Хитой, шунингдек Хэбэй, Пекин ва Тяньцзинь вилоятларининг ма'мурлари ишчи-деҳқонлар учун ўрта мактаблар ташкил этишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу мактабларда дарслар қисқартирилган программа асосида ўтилади.

Шарқи-Шимолий Хитой халқ бошқармаси бу йил Мукденда, Харбинда ва бошқа шаҳарларда шундай мактаблар очиш тўғрисида қарор чиқарди. Турли муассасалар, саноат корхоналаридаги раҳбар ходимлар ва ҳарбий хизматчилар бу мактабларга ўқувчи қилиб қабул этилади.

1950 йил планига мувофиқ, Пекинда, Тяньцзиньда ва Хэбэй вилоятида шундай мактаблар ташкил этилади. Ҳозирги вақтда Пекинда мазкур мактаблар учун ўқитучилар тайёрлаш курслари очилди.

ЭРОН БЛАН ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДА ШАРТНОМА ТУЗИЛДИ

ПАРИЖ, 22 март. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради: 15 мартда Теҳронда Эрон блан Ҳиндистон ўртасида дўстлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартноманинг мазмуни сир тутилмоқда.

Теҳронда чиқадиган «Эттилоат» газетасининг хабарига қараганда, бу шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо шартномаси, авиация алоқаси тўғрисида битим, кемалар қатнови ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисида битимлар тузишни ҳам кўзда тутади.

Журналистларнинг айтишича, Эрон блан Ҳиндистон ўртасида махфий шартнома тузилиши Англиянинг Эрондаги мавқеини мустаҳкамлашга, бунинг учун ўз доминионларидан бири Ҳиндистондан фойдаланишга урунаётганлигини кўрсатади. Шу йил февраль ойида Эрон Англиянинг бошқа бир доминиони Покистон блан ҳам дўстлик тўғрисида худди шундай шартнома тузган эди. Ҳар иккала шартномани тузишда инглиз агентларининг активи қатнашганлиги шу блан боғлиқки, сўнгги вақтда Эронда Америка та'сири кучайиб, Англия блан жиддий рақобат қилабошлади.

ФРАНЦИЯДА ИШТАШЛАШ ҲАРАКАТИ

ПАРИЖ, 22 март. (ТАСС). Француз меҳнаткашларининг ўз талабларининг қондирилиши учун бошлаган ишташлови давом этмоқда. Мавжуд ма'лумотларга қараганда, ҳозирги вақтда турли департаментларда ҳархил саноат тормоқларидаги тахминан 500 га яқин корхонанинг ишчилари ўз талабларининг тўла ёки қисман қондирилишига муваффақ бўлганлар. Шу муносабат блан мазкур корхоналарда иш янг бошланган.

Газеталарнинг билдиришига қараганда «Эр Ликид» компаниясининг Нант, Руан, Гавр, Дюнкерк, Нанси ва бошқа шаҳарлардаги 8 заводида ишчилар кеча иш ташлаганлар. Мамлакатнинг турли шаҳарларидаги ўртача катталикдаги ва майда корхоналарнинг бирқанчасидаги ишчилар ҳам иш ташлаганлар.

ГРЕЦИЯДА ТЕРРОР

АФИНА, 22 март. (ТАСС). Вурл турмасидаги махбуслардан 60 кишининг 21 март эрта блан Макронисосга жўнатилганлиги ма'лум бўлиб қолди. Булар орасида 20 инвалид ва қамоқ муддати 21 мартда тамом бўлган 20 киши бор. Улар ўз маслакларидан қайтиш тўғрисида тилхат беришга унамаганликлари сабабли турмалардан чиқарилмай, Макронисосга жўнатилганлар.

Қамоқ муддати тамом бўлиб, Макронисосга юборилганлар орасида Н. Мермингас, Отергеос Мермингас, Сидиропулос, Ангеллу, Апосролидис, К. Зонгас, В. Папаетрос, Варваресослар бор.

Греция ҳукуматини тузиш масаласига доир

АФИНА, 22 март. (ТАСС). Қирол ҳукумат тузишни Цалдарисга топширди.

ТУРКИЯ МАЖЛИСИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИЛДИ

ПАРИЖ, 22 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Анқарадан билдиради: мажлисда мутлақ кўпчилликни ташкил этган ҳалқ-республикачи партиянинг вакиллари кеча мажлисни 24 мартдан бошлаб тарқатиб юбориш тўғрисида якдиллик блан қарор чиқардилар. 14 майда мажлисга сайлов ўтказилади.

Қисқа хабарлар

Будапештда метрополитен қурилишига тайёргарлик кўрилабошланди. Шаҳарнинг 20 та турли қисмида трассадаги тупроқнинг сифатини аниқлаш учун пармалаш ишлари ўтказилмоқда. Янги метро биринчи бешйиллик даврида қурилиб бўлади.

☆

Канада меҳнат министрлиги томонидан э'лон қилинган ма'лумотлар Канадада ишсизлик тобора авж олаётганини кўрсатади. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги ишсизлар сони бир йил аввалдагига қараганда 25 процент ортиқдир.

☆

Карачида (Покистон) оммавий митинг бўлди. Бу митингни Синд вилоятидаги деҳқонлар комитети Синддаги деҳқон арбобларининг қамоққа олинишига қарши норозилик билдириш юзасидан ўтказди.

☆

Варшавада Умумпольша рассомлик ва ҳайкалтарошлик виставкаси очилди. Бу виставкага рассомлик, ҳайкалтарошлик ва графика ишларидан 600 дан ортиқ нусха қўйилди. Виставка Польша рассомлари формализм та'сиридан қутилиб, халққа яқин темаларга жиддий э'тибор қилаётганликларини кўрсатади.

22 март. (ТАСС).

Пойтахтимизда



Почта қутиларига ташланган хатларни жойларга тезроқ етказиш мақсадида Тошкентдаги алоқа бўлимларига бирқанча «Москвич» машиналари берилди. Суратда: почта ходими қутидаги хатларни олмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

★ ★ ★

Давлат ўқув-педагогика нашриёти

Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогика нашриёти Ўзбекистон Давлат нашриёти составидан ажратилиб қайтадан ташкил этилди. Ўқув-педагогика нашриёти республикамиздаги ўрта, тўлиқсиз ўрта ва бошланғич мактабларни ўқув китоблари блан та'минлайди. Нашриёт 1950—1951 ўқув йили учун янги китоблар тайёрлаш блан шуғулланмоқда. Нашриёт, ҳаммаси бўлиб, 85 номда ўқув китоби чиқаради. Ҳозир 76 номдаги китоб тайёрланиб босмахонага топширилди, 10 номлаги китоб босилиб чиқди.

Янги кутубхоналар

Сиёсий-оқартув ходимлари касаба союзининг республика комитети союз а'золари учун янги кутубхона ташкил қилди. Кутубхона учун 1.000 та турли китоб сотиб олинди. Кутубхонани сиёсий, бадиий адабиётлар блан янада кўпроқ та'минлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Ленин район. Госпиталь кўчасидаги кексалар чойхонаси биносида болалар кутубхонаси очилди. Район маданий-оқартув бўлимининг ташаббуси блан кутубхона яхши жиҳозланди. 1.500 га яқин ҳархил китоб сотиб олинди. Кутубхонада рус адабиёти классикларидан Л. Толстой, Салтиков-Шедрин, Чехов, Островский, М. Горький, Маяковский ҳамда ўзбек ёзувчиларининг болаларга атаб ёзган бирқанча асарлари бор.

Ўқувчилар кутубхонадан яхши фойдаланмоқдалар. Кейинги 10 кун ичида кутубхонага 300 дан ортиқ ўқувчи а'зо бўлиб ёзилди.

Машинасозларнинг дам олиш куни

«Таштекстильмаш» заводининг ишчилари дам олиш вақтларини маданий ва хушчақчақ ўтказмоқдалар. Ишчилар якшанба кунлари коллектив бўлиб, шаҳардаги театр, кино ва музейларга борадилар.

Машинасозлар «Берлиннинг таслим бўлиши» фильмини, Навоий номли опера ва балет театрида «Демон», «Галька» спектаклларини, «Красний мак» балетини тамоша қилдилар.

Машинасозлар яқинда М. Горький номли театрда Б. Лавренёвнинг «Американинг овози» деган пьесасини кўрдилар.

Савдо шохобчалари кенгайтирилади

Озиқ-овқат ва саноат молларининг давлат чакана нархлари камайтирилиши муносабати блан, аҳолининг бу молларга бўлган талаби яна ҳам ортди. Шу муносабат блан, Тошкент шаҳрида озиқ-овқат, саноат моллари блан савдо қиладиган дўкон ва магазинлар кўпайтирилади.

Озиқ-овқат саноати министрлиги шаҳардаги курант тагида янги магазин очди. Қафанов кўчасида «Универмаг» нинг бўлими очилди. Ленин кўчасида гўшт комбинатининг қази-карта ва бошқа гўшт маҳсулотлари блан савдо қиладиган намунали магазини очилади. Магазин биноси ремонтдан чиқарилди. Тарас Шевченко кўчасида «Сельхозснаб» магазинини ва «Универмаг»нинг иккинчи қаватида «Болалар дунёси» магазинини очишга тайёргарлик ишлари тугалланди.

Шаҳар ижроия комитети, илгари савдо тешкилотлари ихтиёрида бўлган ва ҳозирги вақтда бошқа ташкилотлар томонидан фойдаланиб келаётган биноларда ҳам янги магазинлар очиш учун чоралар кўрмоқда. Ленин кўчасида «Янги ҳаёт» артелининг сартарошхонаси, тиббий кутубхона, архитектура бошқармаси фойдаланиб келаётган биноларда ҳам янги магазинлар очилади. Навоий кўчасида янги қурилган биноларнинг пастки қаватида озиқ-овқат, саноат моллари блан савдо қиладиган магазинлар очилади. Шаҳар ижроия комитети янги биносининг тагида намунали дорихона ташкил этилади.

Ёш биологлар тўгараги

Баҳор келиши блан, ҳайвонот боғидаги қафасларда сақланган қушларнинг сайраган овози, турли ҳайвонларнинг қийқириқлари авж олди. Бутун ҳайвонот боғи экскурсияга келган болаларнинг қувноқ товушлари ва шўхчан кулгилари блан тўлабошлади.

Болалар тўда-тўда бўлишиб, боғининг қафасларидаги ранг-баранг товусларни, туяқушларни, ҳовузчаларда қувлашиб юрган оққушларни тамоша қиладилар, қишлик жунини тўкиб, майин жун чиқараётган тулки, йўлбарс ва қундузларни, тинмай сув кечиб юрган оқ айиқларни, дарахтларда шохдан-шохга осилиб ўйновчи маймунларнинг ҳаракатларини кузатадилар.

Яқинда ҳайвонот боғида ёш биологлар тўгараги ташкил этилди. Бу тўгаракка ўрта мактаб ўқувчиларидан 31 киши қатнашмоқда. Тўгаракнинг амалий иши учун алоҳида участка ажратилди. Тўгарак а'золари бу участкага турли дарахт кўчатлари ўтказмоқдалар.

СПОРТ

Енгил атлетикачиларнинг биринчи мусобақаси

Яқинда «Динамо» стадионида бу йил биринчи марта енгил атлетика спорт мусобақаси бўлди. Шаҳар маориф бўлими қошидаги спорт жамиятининг а'золари яхши натижаларга эришдилар. 110-нчи мактабнинг 8-нчи синф ўқувчиси Кира Лейбер 143 сантиметр баландликка сакраб, республика бўйича рекорд қўйди. Шу мактабнинг ўқувчиси Лида Горшкова 60 метрга чопишда биринчиликни олди.

Командалар мусобақасида «Медик» жамиятининг енгил атлетикачилари биринчи ўринни эгалладилар.

Ёш гимнастикачиларнинг ғалабаси

Тошкентдаги 98-нчи эрлар ўрта мактабининг синфлари ўртасида команда биринчилиги учун гимнастика мусобақаси ўтказилди. Ёш гимнастикачилар турли спорт қуролларида энг қийин ҳаракатларни яхши ижро этдилар. Мусобақада иштирок этган 12 та команда ўртасида мактабнинг 7-нчи «А» синфи командаси биринчиликни эгаллаб, мусобақада ғолиб чиқди.

Якка мусобақада 5-нчи «Г» синф ўқувчиси Шарипов, 7-нчи «А» синф ўқувчиси Платонов, 10-нчи синф ўқувчиси Васильевлар яхши натижага эришдилар.

Мусобақада биринчиликни эгаллаган команда ва унинг қатнашчилари мактаб ма'мурияти томонидан қимматбаҳо буюмлар блан мукофотландилар.

Ёш гимнастикачилар район ва шаҳар мусобақаларига қатнашиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шахмат-шашкачилар мусобақаси тугади

Яқинда шахмат ва шашка юзасидан шаҳар биринчилиги учун бир ярим ой давом этган мусобақа якунланди. Мусобақада мастерликка кандидат Вишняцкий 14 ўйиндан 11 ютуққа эга бўлиб, биринчиликни олди. Сорокин блан Айрапетовларнинг ҳарбири 10 тадан ютуққа эга бўлиб, иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар. Тўртинчи ўринга 8,5 ютуқ блан Раҳимов, беш ва олтинчи ўринларга 8 тадан ютуқ блан Змиевский ва Шаҳзода ўтдилар.

Шашка мусобақасида 14 ўйиндан 9,5 тасини ютиб Александров биринчиликни олди. Тажрибали шашкачилардан мастерликка кандидат Ёқубов ва Гавриленко ўртоқлар иккинчи ва учинчи ўринни олдилар.

Шахмат-шашка мусобақасида муваффақиятга эришган шахматчи ва шашкачилар яқинда бўладиган республика мусобақасига қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Кино-театрлар ёзги мавсумга тайёрланмоқдалар

Шаҳар кинолаштириш бошқармаси ёзлик кино-театрларни мавсумга тайёрлаш учун уларни ремонт қилишга киришди. Ҳозир шаҳардаги 20 та кино-театрда капитал ремонт қизғин бормоқда.

«Ватан» ва «Шуҳрат» кино-театрларининг кўча томондаги деворлари бўзиб, архитектура жиҳатидан безатилмоқда. «Хева» кино-театрининг майдони кенгайтирилди.

Кино-театрларнинг майдонлари тамошабинларнинг талабига жавоб берарли қилиб ускуналанади. Очиқ майдонларга чирмовиқ гули, манзарали дарахт кўчатлари ҳамда бошқа хил гуллар ўтқазилади.

Сталин районидаги Самарқанд-Дарвоза ва Октябрь районининг Чигатой-Дарвоза участкаларида яшовчи меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш учун 250—300 ўринли ёзлик кино-театр очилади. Кино-театр майдони қурилишига маҳалла меҳнаткашлари актив қатнашмоқдалар.

Мас'ул муҳаррир:
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24 мартда **Тоҳир ва Зуҳра**, 25 мартда **Алпомиш**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Полк ўғли** (янги нусхаси).

«РОДИНА» — кундуз **Ҳаётфурушлар**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра** (рус тилида).

«НАВОИЙ»—кундуз **Чўртан балиқнинг амри блан** (янги нусхаси), кечқурун **Ҳинд мақбараси** (1-нчи серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Қадимги водевиль**.

«ИСКРА» — **Цирк артистлари**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — **Цирк артистлари**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун рангдор фильм **Берлиннинг таслим бўлиши** (1-нчи серия).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—янги келган артистларнинг иштироки блан **катта цирк тамошалари ва классик курашлар**. Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА
Сталин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти, композитор
Р. М. ГЛИЭРНИНГ
туғилган кунига 75 йил тўлиши муносабати блан
ИККИ ЮБИЛЕЙ СПЕКТАКЛИ
қўйилади.
26 мартда кундуз
Р. М. Глиэр музикаси
ҚИЗИЛ ГУЛ
3 пардали балет.
Дирижёр — автор.
Спектакльда Сталин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Галия Измайлова** қатнашади.
26 мартда кечқурун
Р. М. Глиэр ва **Содиқовлар** музикаси
ГУЛСАРА
4 парда, 5 кўринишли опера

ДАВЛАТ ЗАЕМЛАРИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармалари ҳузуридаги
„ОБЛИГАЦИЯЛАРНИ текшириш бюроси" нинг ХИЗМАТЛАРИДАН фойдаланингиз!
Бу бюро облигацияларни махсус карточкалар бўйича текширади. Бундай карточкалар барча омонат кассаларида 25 тийиндан сотилади.
Бюро, облигация эгаларидан келган карточкаларни бўлиб ўтган ҳамма ютуқ ўйинларининг жадвалларидан текшириб кўради.
Ютуқларни текшириш бюросининг адресини ҳарқайси омонат кассасидан билиш мумкин.
Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ 7-НЧИ ЗАВОДИ
Республикадаги корхона, ташкилот ва колхозларнинг
ҳархил қувватдаги
ЭЛЕКТРОМОТОР, ГЕНЕРАТОР, ДИНАМОМАШИНА ВА ТРАНСФОРМАТОРЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛАДИ,
шунингдек
электродвигательларнинг подшипникларини алиштириб беради.
Заводнинг адреси: Тошкент шаҳар, Левановский кўчаси, 2-нчи уй. Телефон — 38-145 ва 36-453, қўшимча телефон — 22.

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
Республика кинотеатрларида кўрсатиш учун
БИЗНИНГ ҲАЛОЛ РИЗҚИМИЗ
деган янги бадиий фильм чиқаради.
Сценарий авторлари — **Златан Дудов, Ганс Иохим Баер, Людвиг Турек.**
Режиссёр — **Златан Дудов.**
Композитор — **Ганс Эйслер.**
Бу фильм рус тилига таржима қилинган.
«Дефа-фильм» киностудияси 1949 йилда ишлаган.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1950/51 йилда
қуйидаги бўш вазифаларда ишлаш учун
КОНКУРС Э'ЛОН ҚИЛАДИ
Кафедра мудирлари—профессор ёки доцентлар:
1. Тил (рус тили ва чет тиллар), 2. Графика, 3. Физкультура, 4. Транспорт экономикаси, 5. Металлар технологияси кафедраларига.
Кафедра доцентлари:
1. Марксизм-ленинизм, 2. Сиёсий иқтисод, 3. Физика, 4. Химия, 5. Назарий механика, 6. Геодезия, 7. Бинокорлик механикаси, 8. Инженерлик конструкциялари ва кўприклар, 9. Машиналарнинг детальлари, 10. Механизмлар назарияси, 11. Ҳаракатли составнинг эксплоатацияси, 12. Бинокорлик материаллари, 13. Металлар технологияси, 14. Қатновни уюштириш, 15. Электротехника, 16. Чет тиллар (немис ва инглиз тиллари) кафедраларига.
Конкурс муддати — 1950 йил 1 июньгача.
Аризани институт директори номига ёзиш ва тегишли ҳужжатларни қўшиб топшириш лозим.
Адрес: Тошкент шаҳар, Оборонная кўчаси, 1-нчи уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.
«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Нашр. № 1326. Р. 00870.